



18 йил умрини Ўзбекистон қамоқхоналарида ўтказган собиқ сиёсий маҳбус Муҳаммад Бекжон тутқунликдаги ҳаётига бағишланган биринчи китобини ёзиб тугатган. Таниқли шоир ва марҳум Ислоҳ Каримовнинг сиёсий рақиби Муҳаммад Солиҳнинг укаси бўлган Муҳаммад Бекжон шу йил февралда озодликка чиқарилганди.

У 1999 йилда Тошкент портлашларида айбланиб, Киевда ҳибсга олинган ва Ўзбекистонга экстрадиция қилинган. Ўша йилнинг кузидан Тошкентда ўтган маҳкамада Бекжон ва бошқа айбланувчилар ўзларига қўйилган айбларни рад этишган ва қийноққа солинганликларини айтганлар. Ўзбекистон маҳкамалари Муҳаммад Бекжонга чиқарилган II йиллик дастлабки маҳкама ҳукмини узайтириб келганлар. Франциядаги “Чегара билмас мухбирлар” ташиқлотини Муҳаммад Бекжонни “дунёда энг узок муддат қамоқда ўтирган журналист” деб атаган.

Ҳозирда Хоразмдаги уйда яшаётган 63 ёшли Бекжон ўзининг озодликка чиқарилишини Ўзбекистондаги ҳокимият ўзгариши билан боғлайди. “Каримов ҳаёт бўлганида ҳали ҳам қамоқда ўтирган бўлардим”, – дейди муҳолифатдаги “Эрк” партиясининг фаоли.

Куйида китобдан бобларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

* * *

Алвидо, “Жаслик!” (1)

1999.18.03. Бориспол. Аэропорт. Эрталаб соат саккизларда бизни зековозга чиқаришди ва тўрталамизни УАЗикнинг тўртта боксига [1] жойлаштиришди.

Ҳаммамизнинг кўлларимиз кишанланган.

Машина йўлга тушгач, мен бокс эшиги тирқишидан кўриқчиларга:

– Ребята, есть просьба, можно с вами договориться?! – деб бақириб сўрадим.



“АЛВИДО, “ЖАСЛИК!” ЁҲУД СИЁСИЙ МАҲБУСНИНГ КУНДАЛИКЛАРИ

Улардан бири:

– Говорите, что за просьба! – дея бақириб жавоб берди.

– Здесь, в Киеве у нас родственники, они не знают, что нас арестовали! Можете позвонит и сообщить им, что нас арестовали и отправили в Узбекистан!

Кўриқчилардан бири розилик билдирди ва мен айтиб турдим, у телефон рақамларимизни ёзиб олди.

Юсуф ҳам хотини Шоиранинг телефон рақамини ёздирди.

Юсуфдан қаерда кўлга олишганини сўраганимда, у бозорга кетишдаги йўлда яёв кетаётганида ушлаганларини айтиб берди. Хотини Шоира бундан хабарсиз экан.

То Борисполга етиб боргунимизча ўзаро гаплашиб, ҳазиллашиб кетдик.

Ичимизда Қобулгина бошимизга тушган бу қутилмаган кулфатдан озгина довдираб қолган, бизнинг ҳазил-хузулимизга кўшилмай, сукут сақлаб борар эди.

Йўлда Юсуфга кўлга олишимизгача бўлган “охирги истакан ароқ” воқеасини сўзлаб бердим. Иш қилиб, аэропортгача яхши кайфиятда келдик.

1991.18.03. Тошкент – Киев йўналиши, “Бонинг” учоғи.

Учоққа чиқиб олганимиздан кейин бошларимиздан қопларни чиқаришди. Бироқ кўларимиздаги кишанлар кулфлоглигича қолди.

Кўлларимиз орқага қилиб кишанлангани учун, ўриндиқ суянчиғига суяниб ўтиришнинг иложи йўқ эди. Бу ҳам етмагандай, қўлингни озгина қимирлатсанг, кишан қисилиб суяккача ботиб кетарди. Ёнимда мени кўриқлаб келган кўриқчи-кузатувчидан (кейинчалик бу кўриқчи ИИВ ертўласида бизни тергаган капитан Илхом Тургунов бўлиб чиқади) кишанни бир оз бўшатиб қўйишини сўраб беш-олти марта илтимос қилдим. Ҳеч кўнмади. Ҳар гал:

– Чидаш керак, бирон соатларда манзилга етиб борамиз, ўша ёқда ечамиз, – дея такрорлар эди.

Шу учоқда кишан кўлимда қолдирган излар кейин ҳам уч-тўрт йилгача ҳеч кетмади.

Ўзбекистон қамоқхоналарида чеккан дахшатли қийноқларим қаторида, суякка ботган ўша кишанлар азобини ҳам ҳеч қачон унутолмасам керак.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

1999.18.03. Тошкент. Аэропорт.

Тушдан кейин, соат тўрғларда учоқ Тошкент аэропортига кўнди. Бошларимизга яна қайтадан қоплар кийдирилди.

Олдинги салондан икки кишини олиб чиқишади. Менимча, Қобул ва Неъматни бўлса керак. Чунки Юсуф менинг қаршимдаги ўриндикда ўтирган эди.

Улардан кейин Юсуфни, сўнгида мени олиб чиқишди.

Мени алоҳида машинага ўтказишди. Қолганларни қандай ва қаерга олиб кетишганини билмайман.

1999.18.03. ИИВ ертўласи.

Кечки соат бешларда бизни Ички Ишлар Вазирлиги ертўласига тушириб, бошимиздаги қопларни ечишди. Тинтувдан ўтказишди, сўнг боксга камаб кўйишди.

Ертўлада фақат Юсуфни кўрдим. Нимагадир Қобул билан Неъмат кўринмас эди. Уч соатларча боксда ушлаб ўтириб, ниҳоят терговга олиб чиқишди.

Тергов ҳақни юзага чиқариш учун эмаслиги биринчи қадамларданок маълум эди. Яъни, бошқа хонада “ўзбекчасига тергов” бошланди.

Ертўланинг узун даҳлизи ўрталарида чапда эшик бор экан. У ердан кирилса, бу даҳлизга параллел бошқа даҳлизга чиқилди. Ўша параллел даҳлизнинг охиригача юриб бордик. Ўнг тарафдаги эшик “тергов” хонасининг эшиги экан.

Ушбу лабиринт йўлакнинг ўнг томонидаги ҳамма хона “тергов” хоналари экан. Яъни, ўзбекча қилиб айтсак, қийноқ хоналари!

Мени шундай хоналардан бирига киритишди. Қўлларимга кишан солиб, стол қаршисидаги тўртбурча курсига ўтиргизиб, ёлғиз ташлаб чиқиб кетишди.

Хона деворларига назар солдим. Деворнинг ҳамма жойи қонга беланган; исканжа излари...

Хона ўртасида полга михлаб ташланган табуретка, бурчакда стол ва стул. Стол қаршисида мен ўтирган табуретка. Менимча, сўроқ олдида мени кўрқитиш учун атайин ёлғиз қолдириб кетишган эди. Мен улар киргунича девордаги қон, тепки изларини кўриб, ваҳимага тушиб туришим керак.

Ярим соатлар чамаси вақт ўтиб, хонага полковник кириб келди.

Мен уни танийман – Ботир Турсунов эди.

У ҳам мени танийди.

Бу одамга шахсан Ички ишлар вазири Зокир Алматов “Эрк” партияси фаолиятини назорат остига олиш вазифасини юклаганидан хабарим бор эди.

Бундан ташқари, 1993 йили Акамни таъқиб қилиб юрган айғоқчилари сўнгра менинг изимдан тушишган. Улар уйимиз олдида машина ичида ўтириб, кечакундуз пойлашар, ҳатто қизимиз Ойгулни ҳам мактабигача кузатиб (машинадаги тўрт кишидан бири аёл) кўйишар эди.

Ботир Турсунов ўша пайтда капитан лавозимида эди. ЭРК партиясига қарши курашда ўта жонбозлик кўрсатган шекилли, олти йил ичида демак полковник даражасигача кўтарилибди.

“ЎЗБЕКЧА ТЕРГОВ”

1999 йил март. ИИВ ертўласи.

“Тергов” хонасига полковник кетидан ўттиз-ўттиз беш ёшлар чамасигада капитан кириб келди.

Мен ўтирган еримдан жилмай ўтиравердим. Полковник менга қараб:

– Офицер кирганда ўрнингдан турмайсанми?! – деб дўқ урди.

Мен қимир этмадим.

– Мени танидингми?

– Танидим...

– Бир пайтлар анави қайноғанг билан дўст эдик. У сизларга сотилди, мараз. Ҳали у билан ҳисоб-китобимиз олдинда. Олдин сенларни бир ёқлик қилайлик. Ҳаммаларингни ушлаб келамиз. Солиҳинг борми, Тоҳиринг борми, ҳамма-ҳаммангни шу ерга олиб келамиз. Сенларга Ўзбекистон мелисасининг кучини би-и-ир кўрсатиб кўяйлик! Шундайми, капитан?

Капитан бошлигининг бу даражада молсифатлигидан уялиб, пастга қараганча жим турар эди.

Полковник мавзунини ўзгартирди:

– Алфия эсингдами, Мухаммад? Сен у билан юрардинг-а? Зўр, кетворган киз эди-да, а?

– Қанақа Алфия? Ҳеч қанақа Алфияни танимайман.

– Менга қара, Мухаммад! Мени алдашга ҳаракат қилма, тушундингми!? Мен аканг Солиҳни ТашДУда студентлигидан бери танийман. У ғирт пантуркист, миллатчи эди...

Менинг жаҳлим чиқа бошлади ва унинг сўзини бўлдим:

– Ўртоқ полковник, мени бу ерга сўроқ қилишга обкелдинларми ёки ким кетворган, ким қанақа одам бўлганлиги ҳақида гап сотганими? – дедим.

– Ў-хў, менга нима қилиш керак, қандай гапириш кераклигини ҳам ўргатарсан балки? Ҳали сендан гапириш учун рухсат олишим ҳам керакдир, а?

Мен ўзимни зўрға тутиб ўтираман. Яна шунга ўхшаш асабтегар гап гапирса...

Полковник, мендаги ички тугённи сезди шекилли, чеккада муршайиб ўтирган капитанга “чиқиб кет” дегандек ишора қилди.

Капитан чиқиб кетгач, Ботир хона ичида у ёқ-бу ёққа юра бошлади. Менимча, сўроқни нимадан бошлашни билмай, боши қотган кўринар эди.

Ва ниҳоят биринчи берган саволи бундай бўлди:

– Аканг қаерда?

Мен ичимда: “Аҳмоқ, томдан тараша тушгандай дабдурустдан сўраган саволингни қара, “Аканг қани?” эмиш”, деб қўйдим.

– Сендан сўраяман, хўв! Қаерда у террорист?!

Мен қандай ўтирган бўлсам, шундай ўтиришда давом этдим. Мендан садо чиқавермагач, полковник ғазаб тўла кўзларини тикиб:

– Сен яхши гапни тушунмас экансан, ҳозир булбулдек сайратаман сени! – деди. Бориб хона эшигини қия очди. Ташқарида турганларга: – Киришлар, манави саволларимга жавоб беришни хоҳламайпти, как следует жавоб беришни би-и-р ўргатиб кўйинглар! – деди ва ўзи ертўла даҳлизига чиқиб кетди.

Хонага тўрт нафар барзанги кирди. Улардан бири камуфуляжда эди. Шуниси қаршимга келиб:

– Тур ўрнингдан! – дея ўшқирди.

Ўтирган жойимдан туришга улгурмай, бошимга қаттиқ зарба келиб тушди. Бу зарбадан бир оз гангиб қолдим.

Бошимдан қон чиқибди, юзим узра оқиб полга томчилаётганини кўрдим. Ўзимни тутиб туролмадим:

– Ҳе онангни!.. – дея бақириб олдинга бир-икки қадам ташладим.

Бу пайт хонага яна икки-уч нафар “спецназ”чилар кириб келди ва мени полга йикитишди ва шахд билан тепа бошлади.

Тепкилардан сўнг навбат резина тўқмоққа (дубинка) келди. Оёқ

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

кийимимни ечиб, хона ўртасида полга михланган табуреткага ўтиргизишди. Қаршимга иккинчи табуреткани келтириб, оёқларимни унинг устига чиқариб қўйишди. Сўнг устига биттаси ўтириб олди.

Қўлларимга кишан солиб, иккитаси икки томонимдан маҳкам босиб ушлаб турди. Камуфуляждагиси қўлига резина тўкмюкни олиб, товонимга бор кучи билан ура бошлади.

Биринчи кунги “тергов” шу залда тонггача давом этди. Лекин полковник ҳеч нарсага эришолмади.

Терговнинг учинчи куни менга катта албом келтиришиб (тахминан 100 варақ), ичидаги расмларни кўрсатиб чиқди.

Албатта, албомнинг биринчи варағида Акам Муҳаммад Солиҳ, Тоҳир Йўлдошев, Жума Намангоний ва бошқалар расмлари акс этган бўлиб, шу варақдаги ҳар бир расм орқасига исм-фамилияси битилган эди. Ҳар варақда ўттиздан расм қўйилган.

Улар қўлимга тутказган бу албомни икки соатларча варақлаб, фақат тўрт кишини, яъни Акам, ўзим, укаларим Рашид ва Мақсудни танидим, холос.

Албомни олиб кетишганидан сўнг “тергов” яна давом этади.

Бундай “тергов” бир ҳафта давомида эрталабдан кечгача сурарди.

Орада менга имзо чектириш учун қандайдир қозғоларни келтиришар, мен эсам имзо чекишдан бош тортар эдим. Оқибатда мени шафқатсиз қийноққа солишар эди.

“Тергов”нинг учинчи куни юролмайдиган ҳолатга тушдим. Оёқларим шишиб кетганидан оёқ кийимимга сиғмай қолди. Қўлларим қошиқни ушлаб олмас, ҳатто бошимни кўтаришга қурбим етмай қолган эди.

Ертўладаги навбатчи сержант (мендан тўрт-беш ёш катта) мени ҳар сафар коридорда унинг олдида судраб олиб ўтишганида аҳволимга ачиниш билдириб бош чайқаб кўяр, кўзларини пастга тушириб, “Шундан бўлак бирон нарса қилишга ожизман”, деяётгандек, бошқа томонга қараб олар эди.

[1] “Бокс” – бир одам аранг сизадиган кичик камера.

(давоми бор)

Манба: Би-Би-Си Ўзбек

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Тошкентдаги Кун уз сайти таниқли иқтисодчи Юлий Юсуповнинг Kommersant.uz сайтида эълон қилинган “Ўзбек иқтисодий модели: асотирлар ва ҳақиқат” мақоласидан



“Ҳеч қандай “Ўзбек модели” мавжуд эмас”

кўчирмаларни эълон қилар экан, мақолада “ўтмишда юртимизда юритилган хато иқтисодий сиёсат ҳақида фикр юритилади”, деб ёзган.

Юлий Юсупов ўз мақоласида “1996 йили ёз-куз ойларида Ўзбекистонда валюта ресурсларини чеклаш ва уни асосан инвестицион лойиҳаларга йўналтириш механизми жорий этилганига ҳам 21 йил бўлибди. Бу иқтисодий ривожланишнинг «Ўзбек модели» шаклланишининг ибтидоси эди”, деб ёзган.

Муаллиф мақоласи давомида: “Кичикроқ сирни очамиз: аслида ҳеч қандай «Ўзбек модели» мавжуд эмас. Бундай ёндашувлар турли даврларда турли давлатлар томонидан қўллаб кўрилган. Айниқса, бу модел 1950-70 йилларда СССР билан «дўстлик»ка асосланган ривожланаётган социалистик давлатлар ўртасида машҳур бўлган. Машҳур иқтисодчи Эрнандо де Сото бу моделни меркантилизм деб атади ва ундан ҳозирда иқтисодиёти ривожланган давлатлар ҳам ўтмишда фойдаланганини таъкидлайди. Лекин мамлакат меркантилизмдан қанчалик тез воз кечган бўлса, кейинчалик у шунчалик тезроқ ривожланган”, деб таъкидлаган.

Муаллиф “Ўзбек модели”



ўзини қай даражада оқлаганини.”очик миллий ва халқаро статистика”га таянган ҳолда текшириб кўришни таклиф қилади.

2015 йил учун аҳоли жон бошига ЯМД (ялпи миллий даромад), АҚШ долларларида:

Юлий Юсуповга кўра: “... ЯМД Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий айрибошлаш курсига нисбатан шакллантирилган. Агар у (ҳаққоний) бозор курси бўйича ҳисобланса ЯМДни деярли 2 га бўлишга тўғри келади”.

Шу ўринда Юлий Юсупов сўмнинг долларга нисбатан қийматини бозор курсида ҳисоблаб чиқилагандан кейин тўланадиган ойлик иш ҳақи миқдори тўғрисидаги маълумотларни келтирган.

“Афтидан, тезкор саноатлаштириш сиёсати бизнинг давлатимизга тезда бойиш имконини бермаганга ўхшайди. Аксинча, қаралаётган давлатлар ичида бизнинг ўртача даромадларимиз энг пастларидан бири бўлиб турибди”, деб ёзди муаллиф.

Юлий Юсупов “Ўзбек модели”нинг муваффақиятсизлиги сабаблари ҳақида гапирар экан, бунинг сабабини “бозор ислоҳотлари амалда музлатиб қўйилган”и билан изоҳлайди.

Мақола якунида иқтисодчи тараққиётга эришиш учун “иқтисодий ривожланишнинг меркантилистик моделидан воз кечишимиз керак”, деб таъкидлайди.

ЎХХ хабарлар бўлими



Ҳоким одамларни пахта теримига мажбурий чиқаришни буюрди

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Самарқанд вилояти ҳокими Туробжон Жўраев 1 август кун кечаси соат 10 да вилоятдаги корхона, ташкилотлар, бюджет идоралари раҳбарларини чақириб, шошилинч йиғилиш ўтказган. Ушбу йиғилишда иштирок этган раҳбарлардан бирининг айтишича, ҳоким сентябрь ойида бошланадиган пахта терими кампанияси учун 50 кишилик отрядлар тузишни, барча ташкилотлар раҳбарларига теримга одам чиқаришни буюрган. Пахта теримида иштирок этмаган ташкилот, корхона, ресторану ошхоналар газ ва электр энергиясидан узилиши ҳақида огоҳлантирилган.

Самарқанд шаҳридаги корхоналардан бирининг исми сир қолишини сўраган раҳбари 1 август кун кечқурун шошилинч равишда мажлисга чақирилганини айтди:

“Кечқурун соат тўққизларда ҳокимиятдан телефон қилиб, зудлик билан ҳокимиятга етиб келишимни тайинлашди. Соат 10 да мажлис бошланди, вилоят ҳокими мажлис пахта йиғим-терими масаласига бағишланганини айтди. Вилоят ҳокими пахтани теришда аввало туман аҳолисини жалб қилиш, иккинчидан, ташкилотлар камида 50 кишилик отрядлар тузиши шартлигини айтди. Учунчиси эса резерв, булар

ўқитувчилар ва олийгоҳлар талабалари бўлади, деб айтди”, деди ташкилот раҳбари.

Унинг айтишича, ҳоким пахта терими ҳашари бир ой давом этишини, кейин далада қолган пахтани фермер ўз кучи билан йиғиб олиши ҳақида гапирган.

Вилоят ҳокими, шунингдек, тўйхона, ресторан ва бошқа катта овқатланиш муассасалари, тадбиркорлар ва таксопаркларга белгиланган миқдордаги одамни далага олиб чиқишга ҳам топшириқ берган.

Бу топшириқни ушбу мажлисда иштирок этган, Самарқанд шаҳридаги овқатланиш муассасаларидан бирининг раҳбари ҳам тасдиқлади:

“Ҳоким агар ҳар биринг теримга 40-50 тадан кам одам олиб чиқмасанг, газ ва светингни узаман, СЭСга айтаман ёпиб ташлайди. Ишиндан муаммо топиш биз учун проблема эмас, деб айтди”, дейди мажлис иштирокчиларидан бири.

Бу раҳбарнинг айтишича, ҳоким тўйхоналар эгаларини ҳам четлаб ўтмаган:

“Ҳоким яна тўйхоналарга “шу давлатда ишляясанми, ҳар бир тўйдан 10 миллионгача фойда қиляясанми? Газингни, светингни олиб турибсанми, демак давлатга ҳам фойданг тегсинда, одам топиб пахтага чиқар”, деди”, дейди суҳбатдош.

Исмини айтмай, ўзини “Самарқанд вилояти ҳокимининг

ёрдамчиси”, деб таништирган мулозим “Озодлик” радиоси билан суҳбатда, ҳокимнинг қандай мажлислар ўтказишидан хабари йўқлигини айтди.

Вилоят ҳокимлиги қишлоқ хўжалиги бошқармасининг ўзини таништирмаган мулозими, вилоят ҳокими пахта масаласида мажлис ўтказганини тасдиқлади:

“Ҳокимимиз пахтани қисқа муддатда териб олиш тадбирлари ҳақида топшириқлар берди. Энди, кўпчиликка келган тўй, ҳаммамиз ҳашар қилиб, ўз ихтиёримиз билан дехқонга ёрдам берсак, нимаси ёмон?! Бу ерда мажбурийлик йўқ, ҳаммаси ихтиёрий”, – деди мулозим.

Каримов ўлганидан сўнг, жорий йилнинг февралда Тошкент вилоятининг Бекобод тумани раҳбарлигига олиб келинган Туробжон Жўраев, 13 июнь кун Самарқанд вилояти ҳокими этиб тайинланган эди.

Аввал Сурхондарё ва Қашқадарё вилояти ҳокими бўлиб ишлаган Туробжон Жўраев президент Каримовнинг қаттиқ танқидидан сўнг 2013 йилда ишдан бўшатирилган эди.

Туробжон Жўраев жанубий вилоятларда ҳоким бўлиб ишлаганида, унинг маҳаллий раҳбарлар ва ҳокимларни уриб, сўккани ҳақида бир неча бор хабар берилган эди.

Сурхондарё вилоятининг Музробод туманидаги Зиёдилло Қўлдошев маҳалласида истиқомат қилган 50 яшар фермер Исмоил Тўраназаров 2011 йилнинг сентябрида вилоят ҳокими Туроб Жўраев тазйиғидан сўнг ўзини осиб кўйган эди.

2011 йилнинг 25 октябрь кун Жарқўрғон тумани ҳокимлигида ўтказилган йиғилишда Туроб Жўраев саккизта коллеж директорини калтаклагани хабар қилинган эди.

Туроб Жўраев Қашқадарё вилояти ҳокими бўлиб ишлаганда ҳам айна шу услубдаги “қаттиққўллик” фаолиятини давом эттиргани айтилади.

ЎХХ хабарлар бўлими

1999.28.03. ИИВ ертўласи.

Бугун “тергов”нинг ўн биринчи куни. Ертўладаги 2-чи хужрада[1] бир ўзим. Темир кароват[2] нинг бош томони сал юқорига қайрилган. Унинг устида на ёстик бор, на тўшак. Хужра совуқ. Соат эрталабки ўнлар чамаси, лекин “терговчилар”дан дарак йўқ.

Тушлик обкелишди. Ўрнимдан туришга ҳаракат қиламан, бироқ эплаёлмайман.

ИИВ ертўласининг 2-чи хужраси. Шу хужрада мен қизларимнинг исмларини эсдан чиқариб қўйдим!..

Шу хужрада менда ортиқ яшашга иштиёқ сўнди!..

Шу хужрада менда бу дунёнинг ташвишларидан тезроқ кутулиш истаги пайдо бўлиб, ортиқ бу дунёда яшашга иштиёқ ўчди!..

Ва ниҳоят, ИИВ ертўласининг мана шу 2-чи хужрасида Мехрибон Оллоҳ мени яна ХАЁТга чорлади!.

Апрел ойи охирида мени ИИВ ертўласидан Тоштурмага олиб келишди.

Турма қабулхонасида тиббий кўриқдан ўтказишди.

Баданимнинг ҳамма жойи кўқариб ётганини кўрган ҳамшира мени кузатиб келган кўриқчи-кузатувчи капитанга қабул қилмаслигини айтди.

Капитан ҳамширага:

– Уни Украина мелисаси калтаклаган, бу ерда ҳеч ким унга қўлини теккизмаган, – деди.

Ҳамшира менга:

– Украинада уришдимиз? – деб сўради.

– Украинада менга ҳеч ким қўл теккизгани йўқ! Мана шу одам мени қаердан олиб келган бўлса, ўша ерда қийнашди, – деб жавоб бердим.

Капитан ҳамширани чеккароққа чақириб, ўзаро нималарнидир келишиб олишди. Нағижда мени Тоштурманинг биринчи овули (корпус) ертўласи бошлиғига топширишди.

Мен ертўлага келтирилганимдан сўнг ертўла бошлиғига:

– Ўртоқ капитан! Сиз мени бу ерга қай аҳволда келтиришганини кўрдингиз, тўғрими? Мабодо мен бирор жойга шикоят қилиб, мени Тоштурма ертўласида қийнаб шу аҳволга солишди, десам, оқибати сиз учун қандай кечилиши биласизми? – деб сўрадим.

Ертўла бошлиғи:

– Ака, мени ҳам тушунинг, бу ертўла ИИВга тегишли, мен ҳам уларга бўйсунман, шунга мажбурман, ахир. Нима қилай,

ИИВ ЕРТЎЛАСИ

айтинг? – дея саволимга савол билан жавоб берди.

– Ҳамширага бориб айтинг, мен бу одамни бу аҳволда олиб қололмайман, денг.

Капитан ертўла даҳлизида турган навбатчилар (войсковойлар[3]) дан бирини чақириб, менга қараб туришини айтди ва ўзи ташқарига чиқиб кетди. Орадан ярим соатларча вақт ўтиб, капитан кириб келди ва навбатчи ҳарбийга даҳлизга чиқишига буйруқ берди.

– Ака, сизни олиб келган одам қайтиб кетибди, илтимос, мана шу қоғозга “Украина мелисасида шу аҳволга солишди” деб ёзиб беринг.

– Мен ҳеч нарса ёзмайман. Украинада ҳеч ким менга қўл теккизгани йўқ!

Капитан даҳлиздаги навбатчини чақириб, мени 23-чи хужрага жойлаштиришга топшириқ берди ва ўзи юқорига чиқиб кетди.

23-чи хужрада менгача беш маҳбус бор экан. Улардан бири карис, иккитаси ўрис ва иккитаси ўзбек эди.

Киев қамокхонаси билан Тошкент қамокхонаси солиштирилса, улар орасида ер билан осмонча фарқ борлиги яққол кўриниб турарди.

Юқорида келтириб ўтилганидек, Киевдаги Оболон қамокхонаси маҳбуслари бир-бирлари билан тез тил топишиб, бир-бирига қўлидан келганча ёрдам қўлини чўзар экан. Тоштурмада эса, янги келган маҳбусга энг олдин шубҳа билан қарашар, салом-алиқни ҳам истаристамас қилишар эди.

Кейинчалик маълум бўлишича, маҳбуслар орасидаги бундай муносабатнинг сабаблари бор экан. Тоштурманинг ҳар бир хатасининг[4] лохмачи[5] ва козёли[6] бўлар экан.

Хуллас, Тоштурманинг 23-чи хужрасидаги карис “козёл”, ўрислардан бири “лохмач” бўлиб чиқди. Лекин бу иккаласи ҳам менга нисбатан бирон-бир ёмонлик қилишмади ёки ёмонлик қилишга улгуришмади.

Чунки уч кундан кейин мени бошқа хужрага ўтказишди.

Бу бошқа хужра рақами “28” эди! Тоштурманинг энг машҳур хужраси экан! Айтишларига қараганда, лохмачларнинг энг ашаддийлари шу хужрада иш олиб боришаркан.

Шундай қилиб, мен энди 28-чи хужрадаман. Бу хужрада ҳам 23-чи хужрадагидек, беш маҳбус.

Кўрпа-тўшакни қўлтиқлаб хужрага кирарканман, хужрадаги тўрт маҳбус ўринларидан туриб мен билан илиқ сўрашишди.

Хужранинг қоқ ўртасида нонни талкон қилиб майдалаб ўтиргани эса, орқасига ўгирилмасдан, “Осторожно, не задевай машку[7]”, дея огоҳлантириб, ишида давом этди.

Йигитлар тўрдаги шконкадан жой қилишиб, мени ўтиришга таклиф қилишди. Улардан бири ерга дастурхон ёйиб, нон қўйди. Дарров чойга ҳаракат бошлаб юборишди.

Бир оз суҳбатлашганимдан сўнг ерга иниб, дастурхон атрофида чардона қуриб, чойлаша бошладик.

Ҳалиги ўртада ўтириб нон майдалаётган “ўзбек” ўзича гудраниб, нон майдалашда давом этди. Биз томонга қараб ҳам қўймади.

Чой ичиб бўлганимдан сўнг ўзаро танишиб олдик.

Йигитлардан иккитаси феврал воқеаларига алоқадорликда гумон қилиниб, биттаси Ҳизбут таҳрир партияси варақаларини тарқатганликда, яна биттаси уйда ов милтиғи сақлаганликда айлланиб қамокқа олинганлардан экан.

Ҳалиги хужра ўртасида ўтиргандан:

– Сен нима билан ўтиргансан? – деб сўрадим.

Саволимга тўнғиллаб жавоб берди:

– Ты кто, прокурор что ли?!

Йигитлар менга: “У билан гаплашманг”, дегандек имо-ишора қилишди ва мен уларнинг маслаҳатини қабул қилдим.

Бу хужрага келганимдан бир соатларча вақт ўтганидан сўнг эшик очилиб, “талкончи”ни олиб чиқиб кетишди.

Биродарлар дарров атрофимга йиғилишиб, “талкончи”нинг ғирт “козел”лиги ҳақида гапириб беришди. Мен бу хужрага кўчирилмасимдан ярим соат олдин хужра “лохмач”ини бошқа жойга кўчирганини ҳам айтиб беришди. Ҳамхужралардан бири:

– Ҳали вазирлик ертўласида ўтирган пайтингиздаёқ сиз ҳақингизда кўрқинчли хабарлар тарқаганди, – деб қолди.

– Қанақа хабарлар экан? – деб сўрадим.

– Сизни ёмон қаттиқ қийнашибди бу золимлар, оёқларингизни, қўларингизни синдиришибди, шу

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ростми, ака?

– Бундай хабарлар қандай қилиб бу ёқларгача етиб келди? Ахир, у жойдан хабар тарқашининг ҳеч иложи йўқ-ку?!

Гапимизга “ов милтиғи билан ушланган” биродар кўшилди:

– Бу системада хабарлар шунақа тез ёйилади, Муҳаммаджон ака. Бугун бир иш бўлса, эртага деярли ҳамма эшитади. Бир ҳафта ичида бутун Ўзбекистоннинг барча зонасида ўтирганлар ўша ишни муҳокама қилаётган бўлади. Масалан, камерадорлардан бири зонага этап бўлиб кетади ва... бу ёғи тушунарли. У айтади, ундан эшитганлар бошқасига етказди ва ҳоказо. Шу билан ке-е-етди. Системанинг бу “телеграмма” сини шу пайтгача ҳеч ким тўхтатолмаган, бундан кейин ҳам тўхтатолмас керак.

– Биродар[8], узр, албатта, “система-система” дейсиз, системада қачондан бери ўтирибсиз ўзи?

– Бир йилдан ошди, ака...

Бу пайт хужра эшиги шақир-шуқур очила бошлади ва хужрага “талқончи” кириб келди. “Талқончи” ўзбек бўлатуриб, ўзбекчани зўрга билар, ўзбекчасини ўзидан бошқа одам унча-мунчада тушуниши амримаҳол эди.

“Талқончи” хужрага кириб келаркан, менга қараб:

– Ҳозир кевоссам, жаллаб, кетвоган манашкани[9] обкевоткан экан, бир обнять қилий десам, қўлтигимга сифмаса кераг-ов, жаллаб, шунақанги толстийкан, воошце жаллаб!..

Унинг нафақат чўтир башараси, балки ҳозиргина ўта маданиятсизларча айтган шилта гапларию бири боғдан-биритоғдан гапириш усулларигача менга Ислому Каримовни эслатиб юборди.

Ислому Каримов тахтга ўтирганидан уч-тўрт йил ўтиб, 8 март хотин-қизлар байрамига бағишланган йиғилишда тахминан шундай деган эди:

“Қани энди, шу залда ўтирган ҳаммаларинг кучоғимга сифсаларинг-у, қўлтигим тагига босиб муччилаб-муччилаб ўпсам”, дея армон қилган эди.

Хуллас, хужрага кириб келган “қозёл” бу гапларини ўзи ҳақида “илиқ таассурот” қолдириш учун гапираётгани чўтир башарасидан шундоқ билиниб турарди.

Табий, менга ёқмади.

– Сен ўзбекмисан? – деб сўрадим.

– Наполовину узбек, наполовину таджик, – деб жавоб қилди у ўрисчалаб.

– Ота-онанг нима иш қилишади?

– Пахан мой был известным музыкантом, жаллаб...

– Ты можешь без этого мерзкого слова?

– Не понял, ты мне приказываешь? Допрашиваешь? Какое твое дело кто был мой отец? Какое твое дело, кто я такой: узбек или русский? Ты кто такой, чтобы допрашивать меня, а?!

“Талқончи” ўзича қизишиб кетган бўлиб, мени кўрқитиб қўймоқчи бўлди. Менинг жим турганидан илҳомланиб, овозини янада авжига чиқара бошлади:

– Я тебя спрашиваю, кто ты такой? Мент?! Может ты прокурор, а?!

Унинг попугини пасайтириб қўйиш вақти келганини пайқаб, ўрнимдан шашт билан турдим ва ёнига келиб:

– Если сейчас же не заткнешься, мне придется самому заткнуть твой поганый рот! Ты меня понял, козёл драный?!

Шўрлик “талқончи” кўркувдан дир-дир қалтирай бошлади ва энг юқори пардада жаранглаб турган овози бирданига пасайиб, эндигина дунё юзини кўрган кўзичоқдек маъраб қолди:

– Братань, вы что, вы что, братань, не надо, не надо, прошу вас...

– Я тебе не братань, понял?

– Понял, братань, понял...

“Талқончи”нинг ранги докадек оқариб кетганига ўзим ҳам ачиндим. Бу текин томошани зимдан кузатиб ўтирган биродарлар ҳам юзларидаги табассумларини яширолмай қолдилар. Улар “талқончи” билан орамизда бўлиб ўтган бундай “айтишмадан” лаззатланаётган эдилар.

“Талқончи” сал ўзига келганидан сўнг:

– Пацаны, в честь нового сокамерника, будем накрывать хороший стол и пить чай, – дея дастурхон ёя бошлади.

Мен унга бу ишни тақикладим:

– Шу дақиқадан бошлаб чой, овқат ишлари билан йигитларнинг ўзлари шуғуллансин, сен умуман аралашма! – дедим.

– Братань, не делайте так, пожалуйста. Зачем вы это?

– Что “зачем”?

– Я же старший по камере, братань. Я должен смотреть за

общаком.

– Общак? Какой общак? Вообще, кто назначил тебя старшим по камере?

Мен хужрадаги йигитлардан буни ким камеранинг каттаси қилиб сайлаганини сўрадим. Йигитларга ҳам жон кириб қолган эди:

– Ўзини ўзи сайлади, бизнинг сумкамиздаги нарсаларга ҳам у хўжайинлик қилади. Унинг рухсатисиз биз ҳеч нарсага тегинмаймиз, – дейишди жўр бўлиб.

– Бунга нима дейсан, шеф?!

“Талқончи” бу сафар кизариб кетди ва биродарларга нафрат билан қаради. Асабий ҳолда бошини чайқаб, у ёқ-бу ёққа юракетди. Охири ҳамхужраларга қаради:

– Ребята, я вам что-нибудь плохого сделал за все это время? Ведь, ничего плохого не сделал, правильно? Вот вы, очень плохо поступили со мной. Я к вам всегда хорошо относился, а вы...

Биродарлардан бири унинг гапларига ортиқ чидай олмай, ёрилди:

– Сен бизга доим ёмонлик қилиб келдинг. Ҳар куни биз ҳақда хўжаларингга ахборот бериб келасан. Уларга биз тўғримизда яхши гапларни гапирмайсан-ку, ахир. Мен нотўғри гапираётган бўлсам, айт, сен нотўғри гапиряпсан, дегин-чи? Айтолмайсан, чунки...

Мен биродарнинг гапини бўлдим:

– Бу нусхага гапириб ўтиришингиз бефойда. Бугундан бошлаб хужрада “старший”-“младший” деган гапларга чек қўйсак, яхши бўлармиди, – дедим.

Биродарлар бу таклифни жондилдан қабул қилишди ва биз, 28-чи хужра маҳбуслари шу дақиқадан эътиборан хужрада ўрнатилган янги қоида бўйича яшай бошладик.

“Талқончи” эшикни тақиллатиб, ертўла даҳлиздаги “дубак”ни[10] чақирди ва:

– Фалончи мени чақирсин, унга айтадиган гапим бор эди, – деди.

Хужрадагилар “талқончи”ни чойга таклиф қилишган эди, кўнмади:

– Пейте сами, я по горле сыт от вашего чая! – деб кўпол жавоб қилди ва тинмай у ёқ-бу ёққа бориб келаверди.

Биз чой ичиб бўлганимизда эшик очилиб, “талқончи”ни олиб чиқиб кетишди.

Орадан бир оз вақт ўтиб, қайтиб

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

келди ва бор-будини йиғиб, ҳеч ким билан хайрлашмасдан хужрани тарк этди.

Хужрадаги йигитларга жон кирди. Биз бир-биримиз билан яқиндан танишишга тушдик. Ҳар биримиз ўзимиз ҳақда бир-биримизга иштиёқ билан сўзлаб бера бошладик.

Шундай қилиб, 28-чи хужра маҳбуслари шу кундан эътиборан ғойибдан келган бундай “эркинлик”дан баҳра олиб яшай бошлади.

Бирок ўзимизга ўзимиз яратган бу “эркинлик” узоққа чўзилмади.

Ўн беш-йигирма кун ўтиб, мени яна ИИВга олиб кетишди.

ИИВ ертўласи.

Яна ўша этни жунжиктирувчи совуқ манзара. Яна ўша турки совуқлар. Яна ўша жирканч “тергов” хонаси.

Орадан ярим соатдан ортиқ вақт ўтди. Бу “тергов” хонада ёлғиз ўтирарканман, турли хаёлларга чўмилар эдим. Бу ерга яна нимага олиб келишди экан? Пешонага яна қандай кўргуликлар ёзилган экан?..

Ва ниҳоят, хонага полковник кириб келди ва менга:

– Ҳозир сени эски кадрдонинг билан юзма-юз қиламан, лекин қара, ҳеч қандай ортиқча сўз айтилмайди, тушундингми? – деди.

Ким экан бу эски кадрдоним? Юсуфми? Қобулми? Неъматми? Ким?..

Мен ҳали аниқ бир тўхтамага келиба улгурмай, “тергов” хонасига полковник ёрдамчиси капитан Улуғбек бир ёш йигит билан кириб келди.

Мен бу йигитни дарров танидим.

У мен билан қўл бериб кўришмоқчи бўлган эди, капитан бунга йўл қўймади. Уни менинг қаршимга ўтиргизди.

Полковник қаршимдаги йигитга савол бера бошлади:

– Асқаров, қаршингдаги одамни танийсанми? Ким у?

– Ҳа, танийман. Бу киши Муҳаммад Солихнинг укаси.

– Исмини, фамилиясини айт.

– Бегжонов Муҳаммад.

– Қаерда танишгансан?

– Муҳаммад Солихнинг Истанбулдаги уйида.

– Бегжонов қаерда яшарди? Акаси Муҳаммад Солихнинг уйидами ёки бошқа ердами?

– Бошқа уйда яшарди.

– Қаерда? Акасининг уйидан

узоқмиди?

– Мен унинг уйида бўлмаганман. Қаердалигини билмайман.

– Қаршингдаги одам билан тез-тез учрашиб турармидинглар?

– Ойда бир-икки марта учрашардик.

– Демак, бир-бирингни яхши танийсанлар, шундайми?

– Ҳа, яхши танишмиз.

Полковник чеккароқда ўтирган капитаннинг олдига бориб, нималарнидир шивирлади.

Капитан ташқарига чиқиб кетди. Полковник қайтиб жойига келиб ўтирди ва энди менга саволлар бера бошлади:

– Хўш, Муҳаммад, бу одам ким? Танийсанми?

– Йўқ, танимамайман.

– Демак, танимайсан, шундайми?

– Шундай. Танимамайман.

– Акангникида кўрганмисан бунни?

– Кўрган бўлишим мумкин, лекин эслаёлмаяпман.

– Сен акангникида яшармидинг?

– Йўқ, бошқа жойда яшардим. Лекин, Акамникига бориб турардим.

Полковник ёрдамчисини чақирди ва унга нималардир деб “тергов” хонани тарк этди.

Хонада Зайниддин, мен ва капитан қолдик.

– Сизлар бемалол гаплашиб олаверинглар, бошлиғимиз анчагача келмайди, обед қилишга кетди, – деди капитан.

– Нимани гаплашамиз? Мен бу кишини танимасам, бу киши мени танимаса.

– Муҳаммад ака, сиз мени тушунмадингиз, мен серёзно айтяпман, бемалол ҳол-аҳвол сўрашинглар, демоқчиман.

– Капитан, мен сизни тушундим, айтяпман-ку, мен бу кишини умуман танимамайман! Нимани гаплашишимиз мумкин?

Капитан Зайниддинга қаради:

– Асқаров, Муҳаммад акага айтадиган гапингиз йўқми? – деб сўради.

Зайниддин бошини кўтарди:

– Муҳаммад ака, ҳаммасини айтаверинг, яқин кунларда булар Муҳаммад Солихни ҳам, Тохир Йўлдошни ҳам, бошқаларни ҳам тутиб келишаркан. Булар зўр экан, умуман Ўзбекистон мелисаси дунёда тенги йўқ кучли экан.

– Тушунмадим, буларга ниманинг ҳаммасини айтишим керак? Ўзбекистон мелисасининг дунёда тенги йўқлигиними? Бегуноҳ одамларни ёппасига

қамаб ташлаётганиними? Беайб инсонларни кийноқлар остида “айбига иқрор” қилишлариними?

Асқаров гапиришга энди шайланаётганида полковник кириб келди. Асқаровни турғазиб, даҳлизда турган навбатчи мелисага:

– Камерасига олиб бор! – деб буюрди-да, менга компьютерда ёзиб тўлдирилган беш-олти қоғозни қўлимга тутқазди: – Ўқиб чиқиб, тагига: “Танишиб чикдим, бу ерда ёзилган ҳамма нарса тўғри”, деб ёзиб, қўл қўйиб бер, бўлди. Шу билан бўшсан, турманга қайтиб, дам олаверасан. Сени ҳеч ким безовта қилмайди, сўз бераман! – деди.

Қўлимга тутқазилган варақларни бир бошдан ўқиб чиқишга тушдим. Бундаги ёзувлар Зайниддин Асқаровнинг Муҳаммад Солих, Тохир Йўлдошев ва бошқа муҳолифат аъзоларига қарши берилган кўрсатмалари эканини билиб олдим. Ҳар бир қоғоз ост қисмида Зайниддиннинг имзоси турар эди. Охириги варақ сўнгига: “Тушунтириш хатини ўз қўлим ва ўз сўзим билан тўғри ёздим”, деб битибди. Кетидан Асқаровнинг исми-фамилияси ёзилган ва имзоси қўйилган эди.

– Танишиб чикдингми? Бу ерда келтирилган “факт”лар тўғрими? Тан оласанми? – деб сўради полковник.

– Қандай фактлар? Бу ерда ҳеч қандай факт кўрмайпман. Булар ҳаммаси қуруқ тўхматдан ва чўпчакдан бошқа нарса эмас, ўртоқ бошлик.

– Қўл қўйиб берасанми, йўқми? Хўв инсон, ўзингни ўйла, қамокда ўтирган акангни ўйла, уқангни ўйла! Буларни ўйлама, улар президентимизга, халқимизга тажовуз қилишди, булар қонхўр террористлар, нега тушунмайсан!

– Илтимос, ўртоқ бошлик, менга ўргатманг ким террорист, ким яхшию ким ёмонлигини. Ўзим биламан ким қанақалигини.

– Демак, қўл қўймайсан, шундайми?

– Шундай. Қўл қўймайман.

– Бўлмаса, ўзингдан кўр. Кейин пушаймон бўлиб юрма! Ҳеч ким сенга ёрдам беролмайди. Бутун умринг қамокда ўтади.

– Пушаймон бўлмайман, ўртоқ бошлик. Бировга тўхмат қилиб яшагандан кўра, ўлганим яхши деб биламан, ўртоқ бошлик...

Бир иш чиқара олмагач,

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Полковник билан капитан камерада ёлғиз ўзимни қолдириб, чиқиб кетишди...

* * *

[1] Хужра – камера.

[2] Жаргонда: “шконка”: турма ва зоналардаги темир кароват.

[3] Войсковой – Ички ишлар вазирлигига қарашли ҳарбий.

[4] Жаргонда: “хата” – қамоқхоналардаги хужралар тушунилади.

[5] Жаргонда: “лохмач” – “хатага” янги келган маҳбусларни жисмонан қийнаб, ўзига ва бошқаларга қарши кўрсатмалар беришга мажбурлайди.

[6] Жаргонда: “козёл” – “хатада” нима гап бўлса, ҳаммасини оперларга ташиб турувчи чақимчи.

[7] Жаргонда: “Машика” – спиралли электр ўчоқ. Асосан, пишган гишт ўйилиб, ўйиққа спирал ёйилади ва бир томонидан электр токка уланади.

[8] Бу ерда келтириб ўтилади ва кейинги бўлимларда келтирилиши мумкин бўлган кўпчилик “қаҳрамонлар” исм-шарифлари хотирамдан кўтарилган. – М.Б.

[9] Жаргонда: “монашка” – жиноят оламида жиноят қилган аёлга нисбатан қўлланиладиган лақаб.

[10] Жаргонда “дубак” (бу ёғига: дубак) – ертўлада навбатчилик қиладиган Ички Ишлар Кўшинлари ҳарбийси.

(давоми бор)

Манба: Би-Би-Си Ўзбек

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Ўзбекистонда руҳий касалликлар шифохонасида сал кам 11 йил мажбурий ва яширин сақланган журналист Жамшид Каримов озод этилиганидан олти ой ўтиб ҳам унга паспорт берилмапти. Марҳум президент Ислом Каримовнинг жияни бўлган Жамшид Каримов “Озодлик”



айтишган, “сенга ҳеч қанака айблов қўйилмаган, сени бу ерга тикиш учун буйруқ энг юқоридан берилган” деб. Тўғриси, амакимни ўлими мен учун бир сюрприз бўлди. Мени зиндондан чиқишимга амакимни ўлими туртки бўлди. Президент ўлганидан сўнг янги раҳбариятнинг портали очилди. Қизим шу порталга дадамни озод

Паспорт ололмаётган Жамшид Каримов оч-наҳор қолди

радиоси билан суҳбатда паспорт олишга ёрдам сўраб мамлакатни ҳозирги президенти Шавкат Мирзиёев порталига ёзган мурожаатлари ҳам жавобсиз қолаётганини айтди.

Ўзбекистонда руҳий касалликлар шифохонасида 2006 йилдан бери мажбурий ва яширин тарзда сақланиб келинган ва февраль ойида озод этилган журналист Жамшид Каримов паспорт сўраб қилган мурожаатлари жавобсиз қолдирилганини айтди.

– 2006 йилни ёзида Швецияга кетиш учун ОВИРга ҳужжатларни тайёрлаётган пайтда, яъни қамалишимдан сал олдин паспортимни олиб кўйишганди. Ўшандан бери паспортсизман. Қизим президент порталига паспорт олишимга ёрдам сўраб мурожаат қилди, жавоб бўлмади. Атайлаб беришмаяптими ёки бу ўзбекона бюрократиями, буниси менга қоронғу. Паспортсиз мен нафақамни ҳам ололмаймапман, ишга ҳам жойлашолмаяпман, мана қўлимда қизим берган сўнгги олти минг сўмим қолди- дейди Жамшид Каримов.

Ўзбекистоннинг ўтган йил сентябр ойида оламдан ўтган президенти Ислом Каримовнинг жияни бўлган Жамшид Каримов

Жиззахда яшайди ва 2000 йилдан бошлаб халқаро матбуот билан ҳамкорлик қилган.

Ислом Каримов акаси Арслон Каримовнинг ўғли бўлган журналист президент амакисини ошқора танқид қилгани учун, расмийлар томонидан тазйиққа учраган ва руҳий касалликлар шифохонасига мажбуран ётқизилган эди.

Биринчи марта у руҳий касалликлар шифохонасига 2006 йилда мажбуран ётқизилиб, у ерда 2011 йилгача сақланган эди.

– Орадаги икки ойлик танаффусни ҳисобга олмаганда мен 10 йилу 5 ойни “Иф қалъасининг асири” каби Самарқанддаги ўша зиндонда, бир кишилик камерада кечирдим. Мени ҳақ қанака айблов ҳукмисиз Самарқанд чеккасидаги Ички ишлар вазирлиги тизимидаги руҳий касаллар изоляторига мажбурлаб тикишди, – дейди Каримов.

Хибсга олинишидан аввал Жамшид Каримов интернетда маҳаллий ва марказий ҳокимият идораларини танқид қилувчи қатор мақолалар эълон қилган.

– Менга қўйилган ягона айб – шизофрения. Бу айбми аслида? Одам руҳий хаста бўлса уни йўқ қилиш керакми? Менга ўшанда

қилинг деб ёзди, шундан сўнг мени 15 кун ичида озод қилишди, – дейди Жамшид Каримов.

Жамшид Каримов руҳий касалликлар шифохонасида унга нисбатан эҳтиёткор ва айни пайтда қаттиққўл муносабатда бўлишганини айтди.

– Мен ҳар ҳолда президентнинг жияни эдим. Жуда эҳтиёткор ва айни пайтда қаттиққўл бўлишди менга нисбатан. У ерда ҳаётим очликда кечди. Очлик туфайли шу зиндонда сурункали панкреатит – ошқозон касаллигини орттирдим, – дейди Каримов.

Ҳозирда эллик ёшни қаршилаётган Жамшид Каримов букилиб юради. Иккинчи гуруҳ ногирони бўлишига қарамай, журналист ўз касбий фаолиятини давом эттириш ниятида.

– Мен албатта журналистикани давом эттираман. Бу мен учун шарафли касб, – дейди Каримов.

Жамшид Каримов 2000-чи йилларда Буёк Британиянинг Уруш ва тинчликни ёритиш институти (IWPR), “Арена” ва “Uznews.net” веб сайтлари билан ҳамкорлик қилиб келган журналистдир.

ЎХХ хабарлар бўлими

Усмон Ҳақназаров: Гулнора Каримова Тоштурмага ўтказилди

Ўзбекистон биринчи президентининг тўнғич қизи Гулнора Каримова 2017 йил 20 июль куни Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси Тергов изоляторига (халқ тилида – Тоштурмага) ўтказилди. Ноқонуний пулларни қонунийлаштириш ва бошқа молиявий жиноятларда гумонланаётган Гулнора Каримовага қарши жиноий иш қўзғатилди. Шундай қилиб...

Тошкент Швейцария прокуратурасига: Гугушага қарши жиноий иш керакми? – Мана, марҳамат!

Ушбу жиноий иш Швейцария Бош прокуратураси вакилларининг эътирозларига жавобан қўзғатилди. Маълум-ки, шу йил Тошкентга келиб, Гулнора Каримовани сўроқ қилган швейцариялик прокурорлар Гугушани Швейцарияга экстрадиция қилишни талаб қила

бошлашди. Расмий Тошкентнинг: “Гулнора бизда икки йилдан бери уй қамоғида сақланмоқда”, – деган иддаоларини хорижлик терговчилар қабул қилишмаётган эди. Ушанда швейцариялик прокурорлар: “Гулнора Каримова уй қамоғида ноқонуний тарзда сақланмоқда. Чунки ўзбек ҳукумати унга қарши ҳеч қандай расмий жиноий иш қўзғатмаган”, – дейишган эди.

Шу сабабдан Гулноранинг онаси Татьяна Каримова ва Ўзбекистон МХХ раиси Рустам Иноятов марҳум президентнинг тўнғич қизини Европа суди жазосидан, унинг пулларини эса мусодарадан қутқариш мақсадида Гулнора Каримовага қарши уюштирилган таъқибга расмий тус беришга қарор қилишди.

Ҳали тасдиқланмаган баъзи маълумотларга кўра, Гулнора еврожазодан, унинг пуллари эса евромусодарадан қутқариб

қолинса, Татьяна, Гулнора ва Лола Каримовалар қутқариладиган пулларнинг ярмини Рустам Иноятовнинг оиласига тегишли бизнес-тузилмалар ҳисобига ўтказиб беришлари керак бўлади. Татьяна ва Лола Каримовалар Иноятовнинг ушбу ультиматумига ўз розилигини бериб бўлишган. Энди Гулнора Каримованинг ўзини кўндириш қолди. Шундай қилиб...

Сўнгсўз

Татьяна Каримова ва Рустам Иноятовнинг розилиги билан Гулнора Каримованинг уй қамоғидан Тоштурмага ўтказилиши “Таня ҳола” ва “раис” Гугуша ишида ҳали ҳам бош ролларда эканлигидан далолат беради. Шунингдек Гугуша ва унинг пулларини қутқариш баҳонасида пул “ишлаш”га қарор қилган ўзбек махсус хизматлари раҳбарининг очкўзлиги ҳам кишини хайратлантиради.

**Усмон ҲАҚНАЗАРОВ,
сиёсатшунос
25.07.2017**

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Алмазбек Атамбаев Қирғизистон президенти сифатида берган сўнги матбуот анжуманида Қўшма Штатлар Қирғизистон ва Ўзбекистонни уриштиришга ҳаракат қилганига ишорат қилган.

Иссиққўл вилоятининг Чўлпонота шаҳрида ўтган аънаввий матбуот анжуманида президент Алмазбек Атамбаев журналистлар саволларига жавоб берар экан, АҚШнинг Марказий Осиёга нисбатан олиб борган сиёсатини танқид қилди.

– Агар сиз мамлакатдан Америка базасини чиқарганимизни ҳамда бизга америкаликлар иккинчи сортдаги одам сифатида қарашларига илҳом бериб бермаётганимизни назарда тутаяётган бўлсангиз, айтишим мумкинки, менда, айниқса, демократлар ҳукумронлиги даврида Давлат департаменти олиб борган сиёсатга нисбатан ҳеч қандай илиқ ҳиссиётлар йўқ, – деди Атамбаев журналистларнинг навбатдаги саволларидан бирига жавоб берар экан. Қирғизистон президенти 2014 йилда АҚШ базасини Қирғизистондан чиқарилишига биринчи галда хавфсизлик масаласи сабаб бўлганини таъкидлар экан, айрим мамлакатлар Бишкекдаги АҚШ самолётларини бамбордимон қилиши мумкинлиги ҳақида очиқ огоҳлантирганини эсалади.

“Биласизлар, ўша пайтда АҚШнинг Эрон билан муносабатлари жуда кескинлашган пайт эди”, – деди Атамбаев.

Президентнинг иддао қилишича, Бишкекдаги “Манас” ҳарбий базаси

Атамбаев АҚШ ўзбек ва қирғизни уриштиришга ҳаракат қилганига ишорат этди

мамлакатдан чиқарилганидан сўнг АҚШ Ўзбекистонга 328та зирҳланган ҳарбий техникани совға қилган.

– Бу воқеалардан кўп ўтмай, марҳум Ислом Абдуғаниевич Каримов Марказий Осиёда сув учун урушлар бўлиши мумкинлиги тўғрисида баёнот берди. Эсингиздами, бу воқеа 2014 йилда бўлган эди. Шундан сўнг уч ой ичида америкаликлар Каримов режимига 328та зирҳли машинани топширди. Ҳар бирининг нархи деярли бир миллион доллардан эди. Мана сизга демократиянинг нархи.

Ушанда мен уларга: “Агар сиз демократия учун бўлсангиз нега 328та зирҳли машинани демократияни ҳимоя қилишимиз учун бизга бермадингиз?” деб сўраганман, – деб билдирган Алмазбек Атамбаев бундан мақсад қардош ўзбек ва қирғиз халқини бир – бирлари билан тўқнаштириш бўлган, деб ҳисоблашни айтди.

– Жуда даҳшатли ўйин олиб борилди қондош икки халқни бир – бирлари билан тўқнаштириш учун. Қирғиз ва ўзбек бир туғишган халқ. Бизнинг ўзбеклар билан давлатчилигимиз бир бўлган – бу Қўқондан Бухорогача ва Бишкеккагача бўлган ҳудудларни қамраб олган Қўқон хонлиги эди, – деди Атамбаев.

Қўшма Штатларнинг Бишкекдаги элчихонаси ҳозирча президент Атамбаевнинг бу баёноти

расман муносабат билдиришдан тийилмоқда.

Хавфсизлик масалалари бўйича эксперт Марат Иманқулов президентнинг сўнги матбуот анжуманига муносабат билдирар экан:

– Биз икки буюк давлат – Россия ва АҚШ билан тенглашиб, улар билан ўзаро тенглик шароитида сўзлашяпмиз, деб айта олмаймиз. Улар биз билан маслаҳатлашиб, кейин қарор қабул қилаяпти, деб ҳам айта олмаймиз. Қирғизистон ўз хавфсизлигини юз фоиз даражада кафолатлай олмайди, шунинг учун ҳам турли халқаро ташкилотлар, жумладан, ҳарбий тузилмаларга аъзо бўлганмиз. Ҳозирги шароитда, биз хоҳлаймизми хоҳламаймизми глобал қақириқлардан ўзимизни ҳимоя қила олмаймиз ва буюк давлатлар қўлловига муҳтожмиз, – деди Марат Иманқулов.

Алмазбек Атамбаев Қирғизистон президенти сифатида ўзининг сўнги матбуот анжуманини ўтказди. 2017 йилнинг 15 октябрида мамлакатда янги президент сайланади. Қирғизистон конституциясида бир шахс фақат бир марта 6 йиллик муддатга президентликка сайланиши мумкинлиги қайд этилгани боис, Атамбаев бўлғуси президентлик сайловида иштирок эта олмайди.

УХХ хабарлар бўлими

2013 йил 24 октябрда «Terra Group» МЧЖ, «Prime Media» МЧЖ, «Gamma Promotion» МЧЖ фаолиятида солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари бўйича жиноят иши кўзга тилган. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси хабар қилди. Мазкур жиноят ишини тергов қилиш давомида Гулнора Исламовна Каримова, 1972 йил 8 июлда Фарғона вилоятида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти олий, Сиёсий тадқиқотлар маркази директори лавозимида ишлаган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Я.Ғуломов кўчаси, 77 “а”-уйда



БОШ ПРОКУРАТУРА ГУЛНОРА КАРИМОВАГА НИСБАТАН ЖИНОЙИ ИШ ТАФСИЛОТЛАРИНИ ОШҚОР ҚИЛДИ

рўйхатда турган, 2001–2012 йилларда Н.Содиқов, 2013 йилнинг январь ойдан октябрь ойига қадар Р.Мадумаров раҳбарлик қилган уюшган гуруҳнинг жиноий фаолиятига бевосита кўмаклашиб келганлиги аниқланган.

Жумладан, Гулнора Каримованинг назорати остида ва кўмагида уюшган жиноий гуруҳ аъзолари 2001–2013 йилларда қуйидаги бир қатор жиноятларни содир этишган, хусусан:

— фуқаролар ва тадбиркорларнинг 54,1 млрд. сўмлик пул маблағлари, акциялари, улушлари ва мулквий объектларини товламачилик йўли билан эгаллаш (Г.Гаибназаровнинг «Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» ОАЖ ва «Ангрен-цемент» МЧЖдаги 4,1 млрд. сўмлик акциялари, 4 млн. АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағлари, 17,3 млрд. сўмлик 2та квартираси, 4 уй-жойи (ҳовли) ва 8та автомашинаси, Ш. Аҳмедовнинг «KOLORPAK» ва «NASHRIYOT UYI TASVIR» МЧЖдаги 1,9 млрд. сўмлик улуши ва бошқалар);

— турли корхоналардаги давлатга тегишли акциялар ва улушларни сотиб олиш, мулквий объектларни хусусийлаштириш ва маҳсулотларни паст нархларда сотишда 344,6 млрд. сўмлик давлат мулкани ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш («Ўздунробита» ҚКдаги 131,9 млрд. сўмлик (49%), «Coca-Cola Ichimligi Uzbekistan LTD» МЧЖ шаклидаги ҚКдаги 14,6 млрд.

сўмлик (67,1%), «Rubicon Wireless Communication» МЧЖ шаклидаги ҚКдаги 9,6 млрд. сўмлик (30%) давлат улуши, 20,4 млрд. сўмлик 50 та кўчмас мулк объектлари ва бошқалар);

— даромадларни (1 трлн. 570,3 млрд. сўм), кўрсатилган хизматлар, ишлар ва сотилган маҳсулотлардан тушумларни (253,9 млрд. сўм) камайтириб кўрсатиш, имтиёзларни ноқонуний қўллаш (266,2 млрд. сўм), текинга хизмат кўрсатиш, ортиқча асосий воситалар шаклида солиққа тортиш базасини камайтириш ва бошқа йўллар билан (994,3 млн. сўм) уюшган жиноий гуруҳ назоратидаги хўжалик юритувчи субъектлар ва оффшор компаниялар фаолиятида 2 трлн. 91,4 млрд. сўмлик солиқларни тўлашдан бўйин товлаш;

— жиноий жавобгарликдан бўйин товлаш мақсадида уюшган гуруҳ назоратидаги хўжалик юритувчи субъектлар ва оффшор компаниялари фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ва уларни яшириш.

Ушбу эпизодлар бўйича Г. Каримовага Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир қатор моддалари (165, 167, 179, 184, 227 ва бошқалар) билан айблов эълон қилинган.

Г. Каримованинг ушбу жиноятларни содир этишдаги айби уюшган жиноий гуруҳ аъзолари Н.Содиқов, Р.Мадумаров, Ш. Сабилов ва бошқаларнинг, гувоҳлар, жабранувчиларнинг кўрсатувлари, уюшган гуруҳ

назоратидаги 45 та хўжалик юритувчи субъектлар ва 16 та оффшор компаниялар фаолиятини текшириш материаллари, олинган ёзма ва ашёвий далиллар, экспертиза хулосалари ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан ўз тасдиғини топган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2015 йил 21 августдаги ҳукми билан Г. Каримова айбланаётган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва унга 5 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Бундан ташқари, Г. Каримовага нисбатан уюшган жиноий гуруҳга қуйидаги жиноятларни содир этишга кўмаклашиш ҳолатлари бўйича алоҳида иш юритувга ажратилган жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатлари давом эттирилмоқда:

— давлат органлари ваколатларини асосиз ўзлаштирган ҳолда, радиочастота ресурслари ва ер участкаларини ноқонуний реализация қилишда фирибгарлик (595 млн. АҚШ долл. ёки 866,7 млрд. сўм), хизматларга ҳақ тўлашда мобиль алоқа операторлари абонентларидан қўшимча тўловларни асосиз ундириш (390 млрд. сўм) йўли билан ўзганинг 1 трлн. 256,7 млрд. сўмлик мол-мулкни эгаллаш;

— турли шахсларнинг манфаатларини «илгари суриш» учун уюшган жиноий гуруҳнинг оффшор компаниялари ҳисоб рақамига «бўнақлар» олиш (869,3

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

млн. АҚШ долл. ва 29 млн. евро), радиочастота ва ер участкаларини ноқонуний сотиш (520 млн. АҚШ долл.), улушларни сотиш ва дивидендларни тўлаш никоби остида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни чет элга олиб чиқиб кетиш (439,6 млн. АҚШ долл.), нақд пул маблағларини ноқонуний олиб чиқиб кетиш (98 млн. АҚШ долл.), нақд пул тушумларини инкассация қилмаслик (11,2 млн. АҚШ долл.), экспорт қилинган товарлар ва хизматлар тушумидан мажбурий 50% лик сотувни амалга оширмаслик (4,6 млн. АҚШ долл.), товарларни сунъий оширилган нархларда импорт қилиш (129,7 минг АҚШ долл. ва 45,8 минг евро) йўли билан 1 млрд. 942,8 млн. АҚШ долл. ва 29,1 млн. евро миқдоридagi хорижий валютани яшириш;

— декларацияларда импорт қилинган товарлар миқдорини тўлиқ кўрсатмаслик ва уларнинг нархини камайтириб кўрсатиш (386,3 млрд. сўм), олиб чиқилган нақд хорижий валютани божхона назоратидан яшириш (98 млн. АҚШ долл. ёки 209,4 млрд. сўм), экспорт қилинган маҳсулот қийматини пасайтириб кўрсатиш (11,9 млрд. сўм) йўли билан жами 607,6 млрд. сўмга божхона қонунчилигини бузиш;

— товарларни сотиш, бажарилган ишлар ва хизматлардан тушумларни инкассация қилмаслик (294,9 млрд. сўм), пул маблағларини ноқонуний нақдлаштириш (278 млрд. сўм) йўли билан жами 572,9 млрд. сўмга савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш;

— хужжатларни қалбақлаштириш ва улардан

уюшган гуруҳнинг жиноий фаолиятига қонуний тус бериш мақсадида фойдаланиш;

— турар ва нотурар объектларни, бошқа мол-мулкларни сотиб олиш, уюшган жиноий гуруҳ назоратидаги оффшор компаниялар ўртасида сохта контрактлар бўйича пул ўтказмаларини амалга ошириш йўли билан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш.

Ушбу ҳолатлар бўйича Г. Каримовага Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168, 178, 182, 189, 228 ва 243-моддалари билан айблов эълон қилинган ва унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган.

Г. Каримовага айблов иш бўйича тўпланган далиллар, шу жумладан, уюшган жиноий гуруҳ аъзолари, гувоҳлар, жабрланувчиларнинг кўрсатувлари, уюшган гуруҳ назоратидаги 14 та фирма ва 16 та оффшор компаниялар фаолиятини текшириш материаллари, олинган ёзма ва ашёвий далиллар, экспертиза хулосалари асосида эълон қилинган.

Қайд этилган 2 та жиноят иши бўйича давлат ва фуқаролар манфаатларига етказилган зарарнинг умумий суммаси 1 трлн. 270 млрд. 200 млн. сўм, 1 млрд. 651,8 млн. АҚШ долл., 26,1 млн. евро (миллий валютада жами 3 трлн. 746,8 млн. сўм)ни ташкил этади.

Тергов материаллари бўйича ҳозирда 12 та хорижий мамлакатлар ҳудудида уюшган жиноий гуруҳнинг 1 млрд. 394,1 млн. АҚШ долл., 63,5 млн. евро, 27,1 млн. фунт ва 18,5 млн. франк миқдордаги легаллаштирилган маблағлари аниқланган, шу жумладан:

Швейцарияда — 777,8 млн. АҚШ долл. миқдоридa пул маблағлари ва Колони шаҳрида нархи 18,5 млн. франк бўлган кўчмас мулк (вилла);

Швецияда — 30 млн. АҚШ долл. миқдоридa пул маблағлари;

Буюк Британияда — 4,2 млн. фунт миқдоридa пул маблағлари, Лондон шаҳрида умумий нархи 22,9 млн. фунтлик уй-жойлар, квартиралар ва виллалар;

Франциянинг Париж шаҳрида — квартиралар ва «Шато де Грусси» қасри, Сантропе шаҳрида — вилла (умумий нархи 52,5 млн. евро);

Латвияда — 16,5 млн. АҚШ долл. миқдоридaги пул маблағлари ва қимматли қоғозлар, Рига шаҳрида парк ҳудудидаги умумий нархи 9 млн. евро бўлган кўнгилочар марказ;

Ирландияда — 300 млн. АҚШ долл. миқдоридaги пул маблағлари ва қимматли қоғозлар;

Мальта оролида — нархи 48,8 млн. АҚШ долл. бўлган самолёт;

Германияда — 2 млн. евро миқдоридaги пул маблағлари;

Испанияда — 82 минг АҚШ долл. миқдоридaги пул маблағлари;

Россияда — 6 млн. АҚШ долл. миқдоридaги пул маблағлари, умумий нархи 2 млн. АҚШ долл. бўлган Москва шаҳри «Камелот» турар жой комплексидаги «пентхаус», «Рублевка» массивидаги ҳашаматли турар жой ва 8 та квартира, Ялта шаҳридаги меҳмонхона комплекси, турар жой ва ер участкаси;

Ҳонгконгда — 67 млн. АҚШ долл. миқдоридaги пул маблағлари, «The Arch» осмонўпар биносида нархи 15 млн. АҚШ долл. бўлган «пентхаус»;

Бирлашган Араб Амирлигида — 32 млн. АҚШ долл. миқдоридaги пул маблағлари, 31,5 млн. АҚШ долл. миқдоридaги олтин ва олтин сертификатлари, Дубай шаҳрида умумий нархи 67,4 млн. АҚШ долл. бўлган «пентхаус», 2 та вилла ва 2 та меҳмонхона комплекслари аниқланган.

Халқаро ҳамкорлик доирасида хорижий мамлакатларнинг ваколатли органларига тергов органларининг уюшган жиноий гуруҳнинг юқорида қайд этилган активларини хатлаш тўғрисидаги қарорлари юборилган.

Ҳозирги кунда уюшган жиноий гуруҳнинг бошқа активларини аниқлаш ва уларни Ўзбекистонга қайтариш бўйича тезкор-тергов тадбирлари давом эттирилмоқда.

Манба: kun.uz



1999 йил апрел ойида, Зайниддин билан юзлаштирувдан сўнг мени яна Тоштурманинг 1-чи овули ертўласидаги 28-чи хужрага ташлашди.

Хужрадаги маҳбусларнинг учтасини бошқа-бошқа камераларга кўчиришибди. Эскилардан битта биродар қолган, қолган учтаси янги келганлар. Янги келганларнинг иккиси феврал ойидаги портлашларга алоқадорликда айбланган, биттаси ёши эндигина ўн тўққизни қоралаган Данис исмли татар бола.

Данис, ўзининг айтишича, “Ал-вакир” мусиқий дуэтининг солисти бўлган экан. Унинг “жиной” шериги армани бола қамалганидан сўнг Ислон динини қабул қилибди.


Данисдан нима учун қамалганини сўраганимда, у қуйидагиларни гапириб берган:

ДАНИСНИНГ ҲИКОЯСИ

– Бундан бир ярим йил бурун дуэтдошим А...[1] билан кўпроқ пул топиб, ансамблимизни кенгайтирмоқчи бўлдик. Лекин пул топишнинг ҳеч иложини қилолмадик. Яқинларимиз ҳам, танишларимиз ҳам бизга ёрдам беролмасликларини билдиришди. Шунда менинг миямга Лоладан[2] пул сўраб кўриш фикри келди. Чунки менинг онам билан Лоланинг онаси ўртасида эскидан яқин алоқа бор эди. Биз бир-биримиз билан анча таниш эдик. Ўша вақтларда Лолани тез-тез тўйларга таклиф қилишар, шунинг ҳисобидан у анча пул ишлаб топган эди. Сўрасам, ёрдамини аямаса керак, деган ҳаёлда уни кўриш пул сўраб бордим. Афсус, у ҳам менга пули йўқлигини айтди. Биламан, пули кўп. Лекин Лола зикналик қилди. Унинг пули бўла туриб, “менда бир тийин ҳам пул йўқ” дегани жаҳлимни чиқарди.

Орадан уч кун ўтгандан кейин мен А... билан гаплашиб, Лолани кўрkitиб бўлса ҳам пулини олишга келишдик. Кечқурун соат 9 ларда биз Лоланинг уйи қаршисидаги тўққиз қаватли бинонинг томига чиқиб, унинг келишини пойлаб ўтирдик. Лола соат тунги 12 ларда уйига келди. Биз лифтда пастга тушдик ва Лоланинг квартирасига чиқиб бордик. Аввалига у бизни уйига қўймади. Биз эшик ортида туриб: “Пул сўраб келмадик, биз билан ҳамкорликда куйлагин деган таклиф билан келдик”, деб алдаб уйига кириб олдик.

Лола бизга қаҳва тайёрлади ва ошхонага таклиф этди. Уч яшар



ТОШТУРМА

ўғлини ётоғига жойлаб, ошхонага қайтиб келди. Биз ярим соатларча гурунглашиб ўтирдик. Ўзимиз билан бир шиша вино олиб келган эдик, Лола “ичмайман” деб туриб олди. Ўзимиз олиб келган винони ўзимиз ичдик. Кайфим оша бошлади. Мен муддаога ўтиб: “Бизга беш минг долларча пул керак, бир ойдан кейин қайтарамиз”, дедим. Лоланинг ранги ўзгарди ва: “Йўқолларинг бу ердан, менда бир тийин пул йўқ деб айтгандим сенга!” деб бақира кетди. Мен А...га қараб: “Кўлини қайириб ушлаб тур!” деб бақирдим ва стол устида турган ошхона пичоғини олиб қорнига санчдим. Лола “Вой-дод, ёрдам беринглар!” деб бақира бошлади. Тезроқ тинчйтиш учун яна беш-олти марта қорнига, кўкрагига пичоқ санчдим. Лола шунда ҳам бақиритдан тўхтамади. Мен яна пичоқ санчишда давом этдим. Ошхона поли қонга бўялди ва Лоланинг овози ўчди. Лолани ўлган жойида қолдирдик ва қўлларимизни ювиб-артиб залга кирдик. Залдан бошлаб уйнинг ҳамма жойини тинтиб чиқдик. Беш юз доллар нақд пул ва ўн минг долларлик тилла тақинчоқ олдик ва тунги соат 3 ларда Лоланинг уйини тарк этдик...

Шу жойда Данис хикоясини тўхтатишига тўғри келди.

28-чи хужра маҳбусларига 15 дақиқалик сайрга чиқиш эълон қилинди. Одатда, сайр турманинг биринчи қаватидаги бир томони очик, панжаралар билан тўсилган камераларда ўтказилади.

28-хужра маҳкумлари 15 дақиқалик сайрдан кейин тушлик қилишга ҳозирлик кўрибди. Тоштурма ертўласида соат 12:00 да тушлик тарқатила бошлайди. Бу турмада тайёрланган емакни мол ҳам емайди, лекин маҳбус ейишга мажбур. Чунки ейишга бошқа нарсаси йўқ.

Тоштурмадаги маҳбусларни озиклантириш рაციони шундай (1999 й.):

Бир сутка учун бир буханка (крокодил[3]) қора нон.

Эрталаб: бир стакан ширин чой, 100 гр. бўтқа.

Тушлик: тузланган карамдан тайёрланган “борш”. Карам ҳаддан ташқари шўр бўлганлиги сабабли, “борш” билан қайнаган картошка пишмай қолади. Иккинчи овқат – перловка каша. Бу “каша”га умуман туз қўшилмайди. Уни есанг, қоғоз чайнагандек сезасан ўзингни. Карам умуман ейилмайди.

Кечки овқат перловка ёки крупа бўтқа.

“Крокодил” деб ном олган нон ҳеч қачон охиригача пиширилмайди ва ярим хамир ҳолатида тарқатилади.

Тоштурманинг нониними, баландасиними истеъмол қилганиндан сўнг, қорнинг оғрибми ёки захарланибми санчастьга борсанг, сенга Х-таблетка беришди. Иссиғинг чиқса ҳам ўша Х-таблетка, бошинг оғриси ҳам Х-таблетка...

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Тушликдан сўнг Данис билан суҳбатимизни давом эттирдик.

ДАНИС ҲИКОЯСИ ДАВОМИ

– А... билан иккимиз Лоланинг тақинчоқларини ишончли жойга яшириб, ўзимиз икки ҳафтага Қозоғистонга кетдик. Яқинларимиз билан телефон орқали алоқада бўлиб, янгиликлардан хабардор бўлиб турдик. Уйдагилардан бизни ҳеч ким сўраб-суриштирмаганини аниқлаб, Тошкентга қайтдик. Тошкентда бир ойча вақт бўлиб, тақинчоқларни олиб, Қозоғистон орқали Ленинградга кетдик. У ерда тилло тақинчоқларни пуллаб, янги ҳаётни бошлаб юбордик. Ленинградда уч ойларча юриб, Москвага келдик ва энди у ерда яшай бошладик, янги танишлар орттирдик.

– Ўзбекистондаги яқинларинг билан хабарлашиб турармидинг?

– Албатта. Кунора телефонда гаплашардим. А... ҳам ҳар икки кунда уйдагилар ва яхши кўрган қизи билан гаплашиб турарди.

– Лолани пичоқлаганинг тушингга кирмайдими?

– Йўқ. Шу пайтгача бирон марта ҳам тушимга кирмади.

– Ўлдираётганингда ҳеч ачинганмисан у қизга?

– Лоланикига келишда ўзимиз билан икки шиша яхши винодан олиб келаётган эдик. Бир шишани томда ўтириб ичдик, бир шишани Лоланикига кўтариб келдик. Лола ичмади. Бу шишаниам иккимиз симирдик. Шундоғам кайфимиз бор эди...

– Россияда қанча вақт юрдинглар? Ҳеч қаерда ишламадингларми?

– Ленинградда уч ой, Москвада ярим йил юрдик. Ўзимиз билан олиб кетган тилла тақинчоқларни яхши баҳога сотдик. Бу пуллар то камоққа олинганимизга қадар етиб ортди. Яйраб яшадик, афсуски, кутилмаганда камоққа олиндик.

– Кутилмаганда?

– Ҳа, кутилмаганда... Чунки биз қилган жиноятни бошқа бир одамнинг бўйнига кўйиб, ишни ёпишган экан.

– Ундай бўлса, қанақасига сизларни қамашди?

– Ҳаммасига А... айбдор. Аниқроғи, А...нинг севган қизи бизни сотибди.

Данис қизариб-бўзариб А...нинг севган қизини русчалаб сўқади, жазавага тушади, жаҳл билан шконкани мушти билан бир-икки

марта уради.

– У қиз Лолани сизлар ўлдирганлигингизни қаердан билибди?

– Анави аҳмоқ А... ҳали Тошкентдалигимизда маст ҳолатда ўша қанжиққа “Лолани мен гумдон қилдим!” деб мактанган экан. А...нинг севган қизи яхудий эди. Исроилга кетаётганида мелисага бориб бизнинг устимиздан ёзиб берибди.

– Демак, у қиз А...ни алдаган экан-да, “севаман” деб?

– Ким билади. Охирги тўрт ой ичида А... у қизга умуман телефон қилмаганди. Москвада қизлар билан роса юрганмиз.

– Россиянинг мелисаси камоққа олгандир?

– Ҳа, руслар ушлашди. “Лефортово”да бир ой ўтирдик, сўнгра бизни Ўзбекистонга топширишди.

– Бу ерда қийнашмадими?

– Йўқ, қийнашмади. Биз бор гапни айтиб бердик. Қилган айбимизга тўла иқроор бўлдик.

– Тергов қанча давом этди?

– Бир ҳафта тергов қилишди ва дарров ишимизни судга оширишди. “Лефортово”да ўтирганимиздаёқ деломизни тайёрлаб қўйишган экан. Шунинг учун ҳам суд тез бўлиб ўтди.

– Сенга неча йил срок[4] беришди?

– Йигирма йил строгий (қаттиқ) режим.

– Шеригингга-чи?

– Ўн саккиз. Лекин унинг отаси унга кассация[5] ёздирди. Отаси жуда бой одам. Агар А...нинг срогидан олишса, сенга ҳам ёрдам берамиз, деб ваъда беришди. Мени алдашяпти чоғи. Чунки суд пайтида А...нинг отаси фақат мени айблади.

– Сен кассация ёзмадингми?

– Йўқ-да. А...нинг отаси “Сен ҳам ёзсанг унгаям, сенгаям фойда йўқ. Шу учун қайта суд бўлишини кутиб тур. Агар А...нинг срогидан қирқишса, сўз бераман, сенинг ҳам срогингдан қирқади. У ёғини ўзим тўғирлайман”, деди.

– Сенинг уйингдагилар судда қатнашмадими?

– Дадам судга келди. Ойим икки йил бўлди, Францияга, дугонаси олдига кетган эди. Яқинда ўша ёқда турмушга чиқибди.

– Нима, даданг билан ойинг ажрашганмиди?

– Шундай... Дадам сантехник бўлиб ишлайди, топган пулига улфатлари билан ароқ ичади. Ойим шунинг учун ҳам дадамни ташлаб

кетган эди...

Данисдан яна бир бор Лолани ёш ўлдириб юборганинга ачинасанми деб сўрадим. У орадан анча вақт ўтганини вақт қилди ва ҳозир ўзининг шу ҳолатга тушиб қолганидан ачинишини айтди. Мабодо камоқдан бир-икки йил ичида озод қилишса, Москвада кинорежиссерликка ўқийман, деди. У ёқда юрганида қайсидир режиссёр билан танишгани, режиссёр ўқишга киришида ёрдам ваъда қилганини гапириб берди.

Ушбу суҳбатдан сўнг ўн кунларча вақт ўтиб, Данисни бошқа камерага ташлашди ва у билан қайта кўришмадик.

2005 йили Когондаги 62-чи зонада эканимда Бахтиёр исмли бола Қаршидаги зоналардан бирида “Ал-вақир” дуэтидан Данис исмли бола билан ўтирганини айтиб қолди. Мен ҳам унга, ўша бола билан Тоштурмада, бир камерада ўтирганимизни гапириб бердим.

Бахтиёр Данисинг бугунги ҳолатини тасвирлаб: “Уйдан ҳеч ким хабар олмайди, озиб-тўзиб кетган, юриш-туриши бомжларга ўхшаб қолган”, деган эди.

Ўзбекистон Жиноят Кодексининг 97-моддаси 2-қисми билан айбланганлар афу ёки бошқа енгиллаштиришлардан мусуводир. Улар тайинланган жазо муддатининг охиригача камоқда ўтиришга маҳкумдирлар.

«ДЕҲҚОН» БОҚИЖОН

Тоштурма ертўласининг 28-чи хужраси маҳкумлари ичида фарғоналик деҳқон йигит Боқижон билан танишиш жараёни қулгили бўлган.

Май ойи охирларида хужрамизга узун бўйли, қадди-қомати келишган, сочига анча оқ оралаган, ўттиз етти, ўттиз саккиз ёшлар чамасидаги йигитни ташлашди. У кўрпа-тўшаги қўлтиғида, бир қўлида катта сумка ушлаган ҳолда, эшик олдида бир муддат туриб қолди ва ўта паст овозда:

– Ассалому алайкум, – деди.

Салом-алиқдан сўнг мен меҳмонга ҳеч ким қутмаган ғайритабиий саволлар билан мурожаат қилдим:

– Бу камерага нимага келдингиз? Ким сизни бу ерга юборди?

Меҳмон ҳайрон, гўё тошга айланиб қотиб қолган. “Жиннихонага тушиб қолмадиммикан?” деган хаёлга

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

боргани аниқ.

Меҳмонни бундай ноқулай аҳволга солиб қўйганимдан ўзим ҳам ҳижолат чекиб:

– Тўшагингизни анави бўш шконкага ташланг, – дедим ва дастурхонга таклиф қилдим.

Меҳмон нарсаларини жойлаб бўлиб, даврамизга қўшилди.

– Менинг исмиМ Муҳаммад, хоразмликман. Бу йигит Ҳаётуллох, Наманганнинг Поп туманидан, тожик. Довонда хусусий чойхона очган экан. Унинг чойхонасида Тоҳир Йўлдошнинг танишлари чой ичгани учун бу йигитни ҳам “вахобий” деб қамашибди. Бу киши ҳам Намангандан, исми Нуриддин. Бу йигит Тошкентнинг Самарқанд дарвозасидан, исми Рустам, – деб таништириб бўлганимдан сўнг янги “меҳмон”га қарадим: – Ўзлари ким бўладилар?

– ИсмиМ Боқижон... Солижонов. Фарғонанинг... Фарғонаданман.

– Боқижон, Боқижон... Солижонов – бу фамилиянгизми?

– Ҳа. Солижонов – фамилиям.

– Боқижон, сиз танишганингизда ҳамма вақт исмингиз ёнига фамилиянгизни қўшасизми ёки айрим ҳоллардами? – деб сўрадим.

Хужрадагилар кулиб юборишди. Боқижон ўзи ҳам кулди.

– Ака, узр, довдираб қолиб фамилияни ҳам қўшиворибман.

– Довдираманг-да, ука. Ёки хужрамизда сизни довдиратадиган бирор гап бўлдиме?

Боқижон аста-секин ўзига келиб, ҳазилга ҳазил билан жавоб бера бошлади:

– Ака, тўғриси айтсам, камерага кирганимда берган саволларингизни эшитиб, кўриниши туппа-тузук одам экан-у, сал-пал ақлдан озибди бу киши, деб ўйладим. Ўзингизам жиддий оҳангда гапирдингиз-да, – деди Боқижон жилмайиб.

Боқижон Андижон қамоқхонасидан келганини, арзимас нарсага айбланиб қамалганини, Худо хоҳласа, тез кунларда озодликка чиқиб, ўзининг меҳр қўйган иши – деҳқончилик билан шуғулланишини айтиб берди.

– Ниятингиз амалга ошсин, омин, – деб дуо қилиб қўйдик...

Ўз навбатида, хужрадаги эскилар ҳам нима сабабдан қамалганларини гапириб бердилар.

Шундай қилиб, Боқижон ҳам Тоштурма ертўласи ҳаётига кўника

бошлади. Кунлар ўтиб, хужранинг энг қувнок, энг ҳазилкаш маҳбусига айланди.

Орадан бир-қанча вақт кечиб Боқижонга 700 варақдан иборат айблов хулосаси келди. Бу бир кучоқ “айбловни” кўриб, хужрадагилар ичакларимиз қотиб куламиз. Боқижон:

– Сизларга ҳам айблов қоғози келсин, ўшанда кўрамиз, ким кимнинг устидан кулишини! – дейди.

Унинг жиноятига бағишланган бу “роман”даги “қахрамонлар”ни, яъни Боқижоннинг “жиноий шериклари”ни санаб чиқишнинг ўзи бир мушкул иш эди.

– Боқижон, ўзбек халқининг тенг ярми жиноий шеригингиз бўлса кераг-ов?

– Ҳа, ака, менам шундай деб ўйлайман. Аслида, бу режим учун ўзбекларнинг 90 фойизи жиноятчи ва қулдир. Қолган ўн фойиз қисми режим маддоҳлари.

– Боқижон, сиёсатдан озгина хабардорсиз, шекилли. Қаерда ўқигансиз?

– 1990 йили “НарХоз”ни тугатганман, ака. Ўзингиз-чи? Қаерда ўқигансиз?

– Мен ҳам Тошкентда, рус тили ва адабиёти институтида 1975-80 йиллари ўқиганман...

Боқижоннинг “айблов хулосаси”ни варақлар эканман, кўзим Акамнинг исмига тушиб қолди.

– Э-хе, Боқижон! Муҳаммад Солих ҳам жиноий шеригингиз экан-ку! У кишини танийсизми!?

Боқижон бу саволдан сергак тортади, хавотирга тушди, қандай жавоб беришни билмай, дудуқланди.

– У кишини... у киши билан таниш эмасман, лекин кўп эшитганман. Президентликка сайлов пайтида телевизорда кўрганман.

– Умуман кўл бериб кўришмаганмисиз?

– Йўқ. Кўрмаганман... Кўришмаганман...

– Боқижон, кўрқманг, ука, ҳеч кимга айтмайман, чин сўзим. Ҳеч кўрмаганмисиз Муҳаммад Солихни? Ваъда бераман, ҳеч кимга айтмайман.

– Ака, сизга айтдим-ку, кўрмаганман деб! Намунча сўроққа тутасиз?

“Деҳқон” Боқижоннинг хавотирини иллаган Ҳаётуллох ниҳоят “ёрилди” ва Боқижонга:

– Боқи ака, бу камерадаги

ҳаммамиз у ёки бу маънода Муҳаммад Солихнинг “жиноий шериклар”имиз. Муҳаммад акамиз эса, у кишининг туғишган укаси бўлади. Шундай экан, бизга шубҳа билан қарашингизга ҳожат йўқ, – деди.

Боқижоннинг юзи чўғдай қизарди, ҳижолат чекди. Нима қилишини билмай, довдираб қолди. Мен уни бу қийин вазиятдан қутқариш пайига тушдим:

– Боқижон, сиз бизга тўлиқ ишонмай жуда тўғри иш қилдингиз. Шу хужрадаги ҳаммамиз бир-биримиз ҳақимизда яхши маълумотга эга бўлмай туриб, ноўрин гапларни гапирмаганмиз. Тўғриси, мен ҳатто қамалмасимдан бурун ҳам ҳар келганга ишонавермас эдим. Қамокда-ку, айтмаса ҳам бўлади. Ҳатто ўзимга ҳам ишонмай қолган лаҳзалар бўлган. Шунинг учун ҳам сизга ким эканимни тўлиқ ошкор қилмадим мен ҳам...

Боқижоннинг юзи ёришди, таранг кайфияти ечилди, кўзларида самимият акс эта бошлади ва энди анча хотиржам тортиди.

– Ҳайрият-э, ака, елкамдан тоғ қулагандай бўлди, уф-ф!..

– Қани, энди айтинг-чи, Боқижон, нима учун қамалгансиз ўзи?

– Муҳаммад ака, гапнинг очиғи шундаки, мен аҳмоқ кимларгадир: “Муҳаммад Солихнинг тутган йўли тўғри эди, мана бу каззоб президент бўлиб қолди”, деб афсусланганман. Битта шу гапим уларнинг қулоғига етиб борибди.

– Тоҳир, Жумаларни танимасидингиз? Фақат шу гапингиз учун қамашганини қаердан биласиз, балки бошқа сабаблар ҳам бордир?

– Э-хе, Муҳаммад ака, сиз буларни билмайсиз. Булар бор-ку, булар звания (унвон) учун, пул учун онасини сотадиган тоифадан-ку! Биз булар учун киммиз? Ҳеч киммиз! Буларга “Шапкасини олиб кел!” деса, шапкаси билан бирга бошини узиб келади!

– Боқижон, фақат тўғриси айтинг, қўлингизга ҳеч қурол ушлаганмисиз?

– Қайси маънода? Агар армиядагини назарда тутаятган бўлсангиз, албатта ушлаганман.

– Йўқ, йўқ. Мен “айблов хулосаси”да сизга қўйилган айбловларни назарда тутаяпман.

– Қасам ичишим мумкин, қурол-яроғ деган нарсани кўрмаганман.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

“Хулоса”да келтирилганларнинг биронтасини ҳам танимадим. Фақат акангизни, Тохирни ва Жумани оғзаки танийман, ишонаверинг. Менимча, кимдир Муҳаммад Солиҳ акани тилга олганимни ментларга етказган бўлса керак. Чунки сўроқ пайтида асосан акангиз тўғрисида сўрашди.

– Қийнашдими?

– Э-э, ака, гапирманг. Андижон турмаси ҳам... Шундай қийнашдики, умуман танимайдиган одамларни “акам”, “укам”, “оғайним”, деворганимни билмай қолдим. Айниқса, Муҳаммад Солиҳ акага ноҳақ тухматлар ёғдиришимга мажбур қилишди. Оёқларимни қаранг, менимча дубинканинг излари бир умрга қолади энди. Буйрақларим ишламай қолди, ака. Жигарим коптокдек шишиб кетди. Ҳозир бу қайтгани (жигарини кўрсатади), мана қаранг... Оқсаб юришингизга қараганда, сизни биздан кўра ўн карра ортиқ қийнашгандир?

– Йўқ, эл қатори. Йиқилиб тушганман, лекин менинг қўлим эмас, оёғим синган. Йиқилганимда мен ҳам машҳур кинокомедиядагидек, “чёрт побери” десам, дуру тиллолар ўрнига резина тўқмоқлар билан “гипслаб” ташлашган.

Хужрадагилар қотиб қулишди. Боқижон:

– Муҳаммад ака, беҳазил, МВД (ИИБ) подвали даҳшат эканини ҳаммамиз эшитганмиз. У ердаги ментлар қутурган итлардан ҳам беш-баттар дейишади, шу тўғрими?

– Вазирлик ертўласидаги ментларлардан ҳам ваҳшийроқлари бор. Булар ўша саксонинчи йилларда Афғонистонда бўлиб қайтган “спецназ”чилар. Улар наркотик модда истеъмол қилиб оладилар-да, ишга киришадилар. Бу бултерьерлар наркотикни қабул қилганидан кейин раҳм-шафқат деган нарсани билмайди. Улардан ташқари, етимхонада ўсган етимчалар – Каримовнинг “фарзандлари” – ҳам қийноқларда иштирок этади. Улар худди “ота”сига менгзайдилар, раҳм-шафқат қилмаслик учун уларга наркотик моддалар қабул қилиши шарт эмас. Улар “ишга киришганида” ментлару терговчилар даҳлизга чиқиб кетади. Гумонланувчи ўлиб қолса, гувоҳлик беришдан кўрқишса керак...

– Демак, рост экан-да шу гаплар?

– Қайси гаплар?

– Каримов ўзининг тан соқчиларини етимхоналарда улғайиб-ўсганлар ичидан танлаганлиги.

– Билмадим, балки ростдир. Лекин ИИБ ертўласидаги барзангилар Каримовнинг кучуклари эканини айтишган. Шу кучуклардан бири Хоразмдан эди. Уларни ҳеч ким исмлари билан чақирмас эди, ўзлари ҳам чурк этмасди.

– Гапирмаган бўлса, Хоразмдан эканини қаердан билгансиз?

– Ўша ертўлада ишлайдиган бир акашон, яхши одам айтган. Оддий меласа. Ертўладагилардан фақат шу киши менга раҳми келиб йиғлаганини кўрганман. Фақат шу киши менга тасалли берар, бу қийноқлардан тезроқ қутилишимни тилаб дуо қилар эди. Худо хоҳласа, эсон-омон бу дардлардан қутилиб чиқиб кетсангиз, уйимга меҳмонга борасиз, деб уй манзилини ҳам берган. Шунақа, Боқижон, меласада ҳам яхши одамлар бор.

– Муҳаммад ака, гапингиз тўғри, меласада ҳам яхшилари йўқ эмас, бор, лекин улар жудаям кам, айтиш мумкин, анқонинг уруғи. Аслида, буларнинг 99 фойизи, ҳали айтганимдай, пул деса онасини ҳам сотадиганлардан. “Мол эгасига ўхшамаса, харом ўлади”, деган нақл буларга тегишли, аслида. Буларнинг эгаси Каримов. Ўзингиз мендан яхшироқ биласиз унинг қандайлигини...

Бир куни “сайр” пайтида Боқижон олдимга келди ва мени чеккага тортиб, секин овозда:

– Муҳаммад ака, ҳали талабалик давримдаёқ Солиҳ акага меҳрим баланд эди. Дўстларимга унинг шеърларини ёддан ўқиб берардим. Нафақат мен, балки барча талабалар учун акангиз идеал эди. Тақдирни қаранг, қийноқларга бардош беролмадим ва энг азиз ҳисоблаганим инсонга тухмат қилишга мажбур этилдим. Ҳозир афсусланапман. Азобларга, оғриққа охиригача чидолмадим. Бегуноҳ одамга, соф инсонга тухмат қилганим учун ҳозир ўзимдан жирканиб кетяпман, ака...

Боқижоннинг кўзлари ёшланди, хўрлиги келганидан бошқа гапиролмай қолди. Унинг ҳолатини тушунаман, аммо қандай тасалли беришни билмасдим.

– Қолган гапларни камерада гаплашамиз, ҳозир “сайр” ҳам тугаса керак, – дедим ниҳоят.

Хужрага қайтдик.

Бир соатдан сўнг яна ўша бемаза тушлик – тузсиз карам шўрва, ювилмай қайнатилган перловка, “елим” нон (крокодил). Яхшиям камерада “машка” бор. Йигитлар шу “машка”да баландани қайта пишириб, ҳақиқий овқатга айлантиришади, нонни қайта ёпишади.

Энг асосийси, ёз келиб шўр карам тугагани.

Тушликдан сўнг Боқижон менинг шконкамга келиб ёнимга ўтирди ва “сайр” пайтида узилган суҳбатни давом эттирди:

– Ака, омон-эсон бу жаҳаннамдан қутилиб Муҳаммад Солиҳ ака билан учрашиш бахтига муяссар бўлсангиз, ноҳақ тухматим учун мени кечиршини сўранг. Билмадим, бу ёғи нима билан тугайди. Қамокдан чиқсам, қандай бош кўтариб юра оламан? Одамларнинг юзига қандай қарайман? Ўлиб кетганим яхши эди бундай яшагандан кўра! Ҳа, ака, ўлганим яхши эди...

– Боқижон, қўйинг, ундай деманг. Худо хоҳласа, қамокдан соғ-саломат қутилиб чиқсангиз, ҳаммаси унут бўлади. Оллоҳ таолодан гуноҳларимизни кечиршини сўрайлик. Шунинг учун энг олдин қамокдан соғ-саломат қутилишимизни сўраб дуо қилайлик. Иншаоллоҳ, у ёғи бир гап бўлар. Сўз бераман, агар бу жаҳаннамдан қутулсак, Акамга ўзим сиз ҳақингизда гапириб бераман ва сизни кечиршини илтимос қиламан. Аниқ биламан: Акам сизни тушунади ва кечиради.

– Раҳмат, Муҳаммад ака.

– Раҳматни менга эмас, Муҳаммад Солиҳга айтасиз, Худо хоҳласа.

Бу бизнинг, янглишмасам, охириги жиддий суҳбатларимиздан бири эди.

Боқижон билан суҳбат қилишни ёқтирардим. У ҳартомонлама – ҳам дунёвий, ҳам диний илмга эга, кенг дунёқарашли йигит. Афсус, у билан бўлиб ўтган суҳбатларимизнинг эсимда қолганларинигина қоғозга туширдим.

Август ойи бошида бизнинг гуруҳни маҳкамага тортишди ва биз шу кетганча ой охиридагина Тоштурмага қайтиб келдик.

Мен 28-чи хужрага келганимда, Боқижонни олиб кетишган экан. Хужрадагилар айтишига қараганда, унга отув ҳукми тайинланибди.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Қаерга олиб кетишганини ҳужрадагилар билмаган.

18 йил ичида Ўзбекистондаги қамокхоналарнинг деярли ярмида жазо муддатини ўтадим, лекин ҳеч бир зонада “1999 йил феврал воқеаларида иштирок этганлар”, яъни “террористлар”ни учратмадим, нафақат учратмадим, ҳатто улар тўғрисида бир оғиз сўз эшитмадим.

Бизни олдимизда доим икки йўл туради. Иккисидан бирини танлашга маҳкумиз. Бошқа йўл йўқ. Бу танловни бошдан оёқ кўздан кечириб чиқсангиз, иккиси ҳам сиз учун фақат зиёнингизга хизмат қилишини тушунасиз.

Таклиф қилинган икки йўл ҳам ёмон таклифдир. Не ажабки, биз икки ёмондан бирини танлашга мажбурмиз. Аслида, ёмон ва ёмонроқ деган тушунчани ўзи кулгили тушунча. Ёмон ва ёмонроқ бўлмайди. Ёмон бу – ёмон. Тамом! Биз эса икки ёмондан бирини танлаб, қайси бири бизга яхшироқ эканини танлаб ўтираверамиз.

Масалан:

1. «GM» автомобиллари бизга фалон миллионлик автомобилларни долларга боғлаб, устимиздан кулди. Икки таклиф берди. Хоҳла ол, хоҳла олма. Олсангиз пулингизга куясиз. Олмасангиз эҳтиёжингиз бор. Эҳтиёж бўлгандан кейин олинади. Икки ёмон таклифдан бирини танлаймиз.

Таклиф қилаётган машинаси ҳам, суммаси ҳам бир тийинга қиммат. У пулга ундан яхши машина ва ундан қулай имкониятлар орқали машина сотиб олишимиз мумкин. Қачонки, бизда учинчи танлов бўлса.

2. Ишчи бир ерда ишлайди. Ойлигини эса пластикда беришади. Пластикни нақдлашга имкон йўқ. Икки йўл бор сизда: ишлаб, пулингизни пластикда оласиз. Ёки ишламайсиз. Табиийки сиз муҳтожсиз ва ишлаб, икки ёмон таклифдан бирини танлайсиз.

Учинчи танловда банкомат бўлишлиги, ёки сиз пулингизни (ишлаб топган пулингизни, садақа эмас) нақд кўринишда олишингиз мумкин эди.

Афсуски, бизга учинчи таклиф йўқ. Танлов бўлмагандан кейин қолгани мажбурий танлов. (Ихтиёрий, мажбурий пахта

[1] А... – Даниснинг “Ал-вақир”даги шериги. Исми эсимда йўқ.

[2] Лола – 90-чи йиллар ўрталарида ўзининг ёқимли ва жарангдор овози билан ўзбек эстрадасига кириб келган хонанда. Кўпчилик: “Лола тирик бўлганида Ўзбекистон хонандалари ичида энг ёрқин

юлдуз бўларди”, дейди.

[3] Жаргонда: “крокодил” – 3-чи навли ундан ёпилган батон нон.

[4] Жаргонда: “срок” – суд ҳукмига кўра берилган қамок жазоси муддати.

[5] Кассация – суд ҳукмини ўзгартиришни сўраб қилинадиган шикоят аризаси.

(давоми бор)

Манба: Би-Би-Си Ўзбек



Бизни олдимизда доим икки йўл туради

теришга ўхшаган.)

Ўтган йиллар давомида икки ёмон таклифдан бирини танлаб ўрганиб бўлдик. Биз икки ёмон таклифни ёмонроғини эмас, сал яхшироғини танлаб келдик шу кунгача. Энди яхши таклифни талаб қилмаймиз, умид ҳам қилмаймиз. У бошқа масала.

Кечаги куни ҳижоб ҳақида мақолалар кўйилди. Мени ажаблантирган нарса мусулмон инсонларни муносабати бўлди.

Доимгидек икки таклиф кўйилди:

1. Ҳижобни ечиб расмга тушади.
2. Ўқишга киритилмайди.

Бу сафар мени ажаблантиргани одамларни икки ёмон таклифдан янада ёмонроғини танлагани бўлди. “Ўқимай кўяверсин. Ўқиб нима қилади? Ҳижоблими, уйда ўтирсин. Ҳижобликларга доктор керак бўлса ҳижоб ўрамаган аёллар жуда кўп.”

Хафа бўлмайсизлар, бу таклифларинг аҳмоқона таклиф! Қачон учинчи танловни бизга беришларини талаб қиламиз? Қачон «бизга таклифи керак эмас, танловни ўзимиз қиламиз», деб айта оламиз? Қачонгача нима кийишни, нима ейиш, нима минишни, нимани ўйлашимизни ўзгалар ҳал қилади? Майли, сизда учинчи таклифни

бера оладиган ҳеч нарса йўқ, дейлик. Замон, қора кучлар, қамок ва ҳоказо... баҳоналар жуда кўп. Таклиф бера олмасангиз унда танловни янада ёмонроғини танлашга сизни нима мажбур қилди? Хусайн Аҳмад Маданий айтган эканлар: «Агар, фарзандларингни қори, олим қилмоқчи бўлсанглар аввал оналарини олим, қори қилинглар».

Аёллар фарзандларимизни тарбиялайди. Аёллар жамиятимизни бугунги кунини белгилаб беради. Аёлларни ислоҳ қилмагунча жамият ислоҳ бўлмайди. Аёллар бугун ҳамма соҳада бор. Аммо айнан аёлларни дунёга ўчлиги оқибатида жамиятда коррупция, таниш билишлик ва ҳоказо иллатлар кучайиб борапти. Биргина Гулнора Каримова мисолида ҳам кўриш мумкин. Биргина аёлни номи билан ярим мамлакатдаги мулк унга қарашли бўлиб кетди.

Қачонки аёлларимиз (исломни тушунган, Аллоҳдан кўрқадиган) жамиятда ўз ўрнига ўтирагина ўша соҳалар ислоҳ бўлади. У хоҳ шифокор бўлсин хоҳ ўқитувчи.

Жамиятни диндан беҳабар аёлларга қолдирсангиз эртага қизингизни ўша «тарбиячи» «тарбиялайди».

Аллоҳдан кўрқадиган аёл ва эркаклар ўз соҳаларини эгалламагунча порахўрликдан, ҳаёсизликдан, ифлосгарчиликлардан дод-войлаб юраверамиз.

Sayyid Islom
facebook.com

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мухаррир: Нурбек Саломов